

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ХАТАМОВА МУНИРА МАТКАЮМОВНА

**ТУРК ХОҚОНЛИГИ ШАҲАРЛАРИ
(VI – VIII асрлар)**

07.00.03 – Жаҳон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Хатамова Мунира Маткаюмовна

Турк хоқонлиги шаҳарлари (VI – VIII асрлар) 3

Хатамова Мунира Маткаюмовна

Города Тюркского каганата (VI – VIII века) 27

Khatamova Munira Matkayumovna

Cities of Turkic Kaghanate (VI – VIII centuries) 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати 55

Список опубликованных работ

List of published works

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ХАТАМОВА МУНИРА МАТКАЮМОВНА

**ТУРК ХОҚОНЛИГИ ШАҲАРЛАРИ
(VI – VIII асрлар)**

07.00.03 – Жаҳон тарихи

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Таг.129 рақам билан рўйхатга олинган.

Иш Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.beruni1@uznet.net) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Асқаров Аҳмадали Асқарович тарих фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Ходжаев Аблат тарих фанлари доктори Бобоёров Ғайбулла Боллиевич тарих фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Таг.44.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79-уй. Тел.: (+99871) 262-54-61, факс: (+99871) 262-52-77), e-mail: beruni1@uznet.net).

Диссертация билан Шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79-уй. Тел.: (+99871) 262-54-61.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А. Абдуҳалимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,
профессор

О.А. Қориев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.н.

Э.З. Нуриддинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Евросиёнинг деярли барча чорвадор қабилалари ва ўтроқ халқларини ўз қўли остида бирлаштира олган Турк хоқонлиги даврида Марказий Осиё минтақасида туркий ҳудудий майдоннинг кенгайиши ва кўламининг ортиб бориши билан халқларнинг ўзаро интеграцияси ва консолидацияси янада жадаллашади. Айниқса, бу жараёнлар ўтроқ ва кўчманчи цивилизация вакилларининг ўзаро манфаатлари кесишган “шаҳар” феномени мисолида яққол кўзга ташланади. Чунки урбанизация жараёнлари ва у билан боғлиқ шаҳардаги ижтимоий муносабатлар, шаҳар тузилишидаги ўзгаришлар жамиятнинг ўзига хосликлари ва унинг умумий социомаданий имкониятларини ҳаммадан ҳам кўпроқ кўрсатиб бера олади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро ишончли қўшничилик муносабатлари ҳамда давлатимизнинг туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиши кўзда тутилаётгани азалдан тили, тарихи, дини ва маданияти бир бўлган халқларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқди. Жумладан, 2018 йилнинг ўзидаёқ Париж ва Тошкент шаҳарларида туркий халқларнинг тили, ёзуви, тарихий маданий меросини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантиришни кўзда тутган халқаро анжуманларнинг ўтказилиши¹ умуминсоният цивилизациясида туркий халқларнинг тутган ўрни қанчалик юқори эканини кўрсатади.

Жаҳон туркология марказларида шу кунгача олиб борилган изланишлар туфайли туркий халқлар тарихи ва маданиятига доир кўплаб илмий ютуқларга эришилди. Бироқ тарихшуносликда ҳалигача Турк хоқонлиги шаҳарларини эскидан кўчманчи бўлган турклар эмас, балки суғдийлар, хитойлар каби ўтроқ халқлар курганликлари ва фақат Қорахонийлар даврига келиб туркларнинг ўтроқлашуви натижасида уларнинг ўз шаҳарлари пайдо бўлгани тўғрисида қарашлар устуворлик қилади. Бундай қарашлар остида ётувчи европацентристик назария тарафдорлари ўзларига хитой йилномаларидаги турклар “*чодир ва кигиз уйларда яшайди, ўт-сувга қараб бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юради*” тарзидаги анъанавий “қолип”ни қурол қилиб олиб, бу борадаги чуқур изланишларга тўсқинлик қилишган. Ҳолбуки, эски туркларнинг сўз бойлигида “шаҳар”, “манзилгоҳ”ни англатувчи *baliq, kerman, tura, toy/ton, qoriʻan, uluʻ* каби алоҳида атамалар бўлган. Ёзма манбаларда эса турклар орасида ёмғир ва яйлов излаб кўчиб юрадиган кўчманчилари ҳам, ўз шаҳарларига эга ўтроқлари ҳам борлиги қайд этилган ҳамда улар “саҳройи” ва “шаҳар” халқларига ажратилган. Айнан VI – VIII асрларга келиб, Марказий Осиёнинг кўпгина ҳудудларида янги шаҳар ва шаҳар типидagi манзилгоҳлар шаклланиганини археологик

¹ 2018 йил 30 апрелда ЮНЕСКОнинг Париждаги штаб-квартирасида “Маънавий янгиланиш ва маданий мерос: ўтмишдан келажакка турк тили” мавзусидаги халқаро форум ва 2018 йил 11–12 май кунлари Тошкентда “Жаҳон туркологиясида ўзбек тилининг ўрни ва халқаро ҳамкорлик истиқболлари” мавзусидаги 1-халқаро илмий анжумани бунинг ёркин исботидир.

материаллар тасдиқлайди ва бу давр фанда ҳақли равишда “турк даври” номини олган². Бу даврда туркий ва туркий-суғдий асосли жой номларининг кўпайганини топонимик маълумотлар ҳам кўрсатади.

Бугунгача эски турк шаҳарларига бағишланган ишларда шаҳарлар умумхоқонлик доирасида ўрганилмаган. Ҳолбуки, барча даврларда урбанизация жараёнлари давлатчилик билан узвий боғлиқликда кечган. Бироқ Турк хоқонлиги шаҳарлари мавзуси ҳудудий ва муаммовий жиҳатдан анча катта мавзу бўлганидан ушбу тадқиқотда фақат эски туркларда “шаҳар” тушунчаси, шаҳарларнинг юзага келиши ва такомили, Турк хоқонлигининг маъмурий-бошқарув марказлари, “давлат улуси” ва айрим вассал ҳукмдорликларида шаҳарлар масаласини ўрганиш мақсад қилинган. Умуман, туркология, Марказий Осиё тарихи ва номадизм йўналишларида кам ўрганилган Турк хоқонлиги шаҳарлари масаласи минтақада кечган давлатчилик ва урбанизация жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини, минтақа шаҳарларининг умумий генезиси ва эволюциясини ёритишда ва бир тизимга солишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муаммони ўрганган жаҳон олимларининг ишларини шартли икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1) эски турклар ва Турк хоқонлиги шаҳарларига бағишланган махсус тадқиқотлар; 2) номадизм ва номадларда шаҳар масаласига бағишланган изланишлар.

Биринчи гуруҳга А. фон Габэн, К. Цегледи, Т. Нагродзка-Майчжик каби тадқиқотчиларнинг турк ва уйғур хоқонларининг ёзлик ва қишлик қароргоҳлари – ўрдулар ва пойтахт шаҳарлари таҳлил этилган ишларини киритиш мумкин³. Эски турк шаҳарлари Т. Бойқаро, Э. Эсин, Б. Ўгел, Ф. Сумер, Қ. Ўзжан каби туркиялик олимлар томонидан анча яхши ўрганилган⁴. Совет олимларидан туркий халқларнинг шаҳарлари масаласига

² Бернштам А.Н. Среднеазиатская древность и ее изучение за 30 лет // ВДИ. – 1947. – №3. – С. 91; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Т., 1982. – С. 80-81; Литвинский Б.А., Соловьев Б.С. Средневековая культура Тохаристана. – М., 1985. – С. 48.

³ Gabain A. (von) Köktürklerin Tarihine Kısa Bir Bakış I: Stepte Yaşayan Köktürkler (682–742) // Dil ve Tarih – Coğrafya Fakültesi Dergisi. – 1944. – Cilt II. Sayı 5. – S. 685-695; Ўша муаллиф. Steppe und Stadt in Leben der ältesten Türken // Der Islam. – Bd. 29. – Hft. I. – Berlin, 1950. – S. 30-62; Czegledy H. Çoğay-quzi, Qara-qum, Kök-öng // АОН. – 1962. – №15. – P. 55-69; Nagrodzka-Majchrzyk T. Geneza miast u dawnych ludow tureckich (VII–XII w.). – Wrocław, 1978.

⁴ Baykara T. M. XI. Yüzyıldan evvel Türk şehri. Doktora tezi. – İstanbul, 1971; Ўша муаллиф. Türk şehircilik Tarihinden: Hatun Türk şehirleri // Türk Tarihi Kurumu Belleteni. – 1980. – XLIV/175. – S. 497-510; Ўша муаллиф. Kök Türk yazıtlarının Türk iskan (yerleşme) tarihindeki yeri // Türk dili araştırmaları yillığı. Belleten,

илк бор илмий жихатдан жиддий ёндашган Л.Р. Кизласов бўлди⁵. Олим эски туркларнинг бирорта ҳам шаҳар харобаси аниқланмаганини ва у келажакда ўрганилиши керак бўлган мавзулардан эканини уқтирган⁶. Ўғли И.Л. Кизласов туркий халқларнинг турар-жойлари ва шаҳарларини археологик ва лингвистик материаллар билан қиёслаб ўрганмоқда⁷.

Марказий Осиё республикаларида К.М. Байпаков, В.Д. Горячева, Ш.С. Камолиддин, А. Хўжаев, А.М. Отахўжаев, Ғ.Б. Бобоёров каби олимлар шаҳарлар тараққиётида эски турклар ва турк-суғд симбиозининг ролини кўрсатиб беришган⁸. Хусусан, Ш.С. Камолиддин туркий халқларнинг бир қисми эскидан деҳқончилик, боғдорчилик, хунармандчилик билан бирга шаҳарчилик маданиятига ҳам эга бўлишгани, айнан Турк хоқонлиги ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёда шаҳарчилик маданияти гуркираганини асослаган⁹. Шунингдек, “Ғарбий Турк хоқонлиги” атласида хоқонлик ўрду-қароргоҳлари, пойтахтлари ва йирик иқтисодий шаҳарлари ёритилган¹⁰.

Сўнгги йилларда чет эл олимларининг турк ва мўғул халқларининг панжарали чодир-ўтоғи (*турк эби* – М.Х.), чодир-шаҳар – *ўрду*, мобил ёки пасторал урбанизм ҳамда шаҳар билан боғлиқ терминология каби масалаларга оид тадқиқотлари юзага келди¹¹.

1990. – 1994. – S. 17-29; Ўша муаллиф. *Türk Tarihi ve Şehir: Türklerde Yerleşik Hayat // Yeni Türkiye*. – 2002. – №45. – S. 426; Esin E. Orduğ (Başlangıçtan Selçuklulara kadar Türk Hakan şehri) // *Tarih araştırmaları dergisi*. Ankara Üniversitesi Dil-Tarih-Coğrafya Fakültesi. – 1972. – №VI/10-11. – S. 135-215; Ўша муаллиф. *Balıq and ordu // CAJ*. – 1983. – №27. – P. 168-208; Ögel B. *Türk Kültürünün Gelişme Çağları*. Cilt 1. – İstanbul, 1971; Ўша муаллиф. *Türk Kültür Tarihine Giriş*. Cilt I. *Türklerde Köy ve Şehir Hayati. Göktürklerden Osmanlılara*. – Ankara, 1978; Sümer F. *Eski türklerde Şehircilik*. – Ankara, 1994; Özcan K. *Orta Asya Türk kent model (ler)i üzerine bir araştırma (VIII. Yüzyıldan XIII. Yüzyıla kadar) // Türk kültürü incelemeleri dergisi*. – 2005. – №12. – S. 1-22; Ўша муаллиф. *Notes on Turkish Towns in Central Asia (Pre-Islamic period) // CAJ*. – 2008. – №52 (2). – P. 186-196.

⁵ Кизласов Л.Р. Городская цивилизация тюркоязычных народов Южной Сибири в эпоху средневековья // *Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций*. – А.-А., 1989. – С. 400-406; Ўша муаллиф. *Городская цивилизация Срединной и Северной Азии*. – М., 2006.

⁶ Кизласов Л.Р. История Тувы в средние века. – М., 1969. – С. 47.

⁷ Кизласов И.А. Пратюркские жилища. Обследование саяно-алтайских древностей. – Москва-Самара, 2005; Ўша муаллиф. *Алтаистика и археология*. – М., 2011.

⁸ Байпаков К.М. Средневековая городская культура Южного Казахстана и Семиречья (VI – начало XIII вв.). – А.-А., 1986; Ўша муаллиф. *Западнотюркский и Тюркешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город*. – Алматы, 2010; Горячева В.Д. *Городская культура Тюркских каганатов на Тянь-Шане (середины VI – начало XIII вв.)*. – Бишкек, 2010; Камолиддин Ш.С. *О градостроительной культуре у древних тюрков // Материалы Международной конференции «Урбанизация и номадизм в Центральной Азии: история и проблемы»*. – Алматы, 2004. – С. 354-373; Ўша муаллиф. *Древнетюркская топонимия в Средней Азии*. – Т., 2006; Отахўжаев А. *Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари*. – Т., 2010; Ходжаев А. *Тюркские города в китайских источниках. Книга первая*. – Т., 2016; Бобоёров Ғ.Б. *Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми: Тарих фан. ... док. дис.* – Т., 2012. – Б. 245-257.

⁹ Камолиддин Ш.С. *Культура оседлых тюрков Средней Азии*. – Т., 2007 // http://www.eurasica.ru/articles/uzbeks/shskamoliddin_kultura_osedlyh_tyurkov_sredney_azii/ Мурожаат вақти: 24.06.2016.

¹⁰ *Западный Тюркский каганат. Атлас / А. Досымбаева, М. Жолдасбеков (рук. проекта)*. – Астана, 2013. – С. 440-477, 504-515.

¹¹ Andrews P.A. *Felt Tents and Pavilions. The Nomadic Tradition and its Interaction with Princely Tentage*. 2 volumes. – London, 1999; Osawa T. *The Cult-Religious Relations between Old Turkic kingship and their Sacred Mountains in the Early periods of the Western Old Turkic Kaganate // Мәдени мұра. Культурное наследие*. – 2009. – №1. – P. 47-55; Golden P. *Courts and Court Culture in the Proto-urban and Urban Developments among the Pre-Chinggisid Turkic Peoples // Turko-Mongol Rulers, Cities and City-life / Ed. by David Durand-Guédy*. Brill's Inner Asian library, vol. 31. – Leiden [etc.], 2013. – P. 21-67; Gharipour M., Solti M. *Mobile urbanism: Tent cities in medieval travel writing // The City in the Muslim World: Depictions by Western Travel Writers / Ed. by M. Gharipour and N. Özlü*. – Routledge, 2015. – P. 22-55.

Номадизм ва номадларда шаҳар масаласини В.В. Бартольд, А.Н. Бернштам, С.П. Толстов, Т.А. Жданко каби олимлар ўз ишларида тадқиқ қилишган¹². С.В. Киселев, Л.Р. Кизласов, С.А. Плетнева, Г.А. Федоров-Давидов, В.Л. Егоров, Х. Пэрлээ, Д. Майдар, Б. Даажав сингари совет ва мўғул олимларининг изланишлари туфайли Марказий Осиёда ўтроқ турмуш тарзи билан боғлиқ археологик ёдгорликлар аниқланди ва чорвадорларда ҳам шаҳарлар бўлганлиги ўз тасдиғини топди¹³.

Кўпроқ давлатчилик масаласига тўхталган номадологлар чорвадорларда давлатнинг шаклланишида шаҳарнинг ўрни масаласини ҳам кўрсатиб ўтишган¹⁴. Бу каби тадқиқотларда кўпчилик олимлар кўчманчи давлатлардаги шаҳарларни чорвадорлар эмас, балки суғдий ва хитойликлар қуришгани ҳақидаги хулосани ёқлашгани кузатилади¹⁵. Шунингдек, ўрганилаётган муаммо меъмор, санъатшунос, тилшунос ва топонимист олимларнинг ҳам эътиборидан четда қолмаган¹⁶.

Шундай қилиб, жаҳон тарихшунослигида Марказий Осиё халқларида ўтроқ турмуш тарзи, шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва асосийси Турк хоқонлиги шаҳарлари масаласи ҳам қўйилган. Улардан фарқли ўлароқ ушбу диссертацияда муаммонинг ечимига қуйидагича ёндашилди: ёзма манбалар, археологик ва лингвистик материаллардан комплекс фойдаланган ҳолда шаҳарларни Шарқий ва Ғарбий хоқонлик ва уларнинг айрим вассал ҳукмдорликларини қамраб олиб ўрганиш ҳамда шу орқали шаҳарларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларини очиб бериш кўзда тутилган.

¹² Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии // Сочинения: в 9 т. Т. V. – М., 1968. – С. 44; Ўша муаллиф. Балык // Сочинения: в 9 т. Т. V. – М., 1968. – С. 494; Толстов С. П. Города гузов // СЭ. – 1947. – №3. – С. 52-105; Ўша муаллиф. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – М., 1948. – С. 275; Жданко Т.Н. Номадизм в Средней Азии и Казахстане // История, археология и этнография Средней Азии. – М., 1968. – С. 274-281.

¹³ Киселев С.В. Древние города Монголии // СА. – 1957. – №2. – С. 101; Киселев С.В. и др. Древнемонгольские города. – М., 1965. – С. 6-7; Пэрлээ Х. К истории древних городов и поселений в Монголии // СА. – 1957. – №3. – С. 43-53; Плетнева С.А. От кочевий к городам. Салтово-маяцкая культура. – М., 1967; Ўша муаллиф. Кочевники Средневековья. Поиски исторических закономерностей. – М., 1982; Давыдова А.В. Иволгинский комплекс (городище и могильник) – памятник хунну в Забайкалье. – Л., 1985; Федоров-Давыдов Г.А. Золотоордынские города Поволжья. – М., 1994; Егоров В.Л. Золотоордынский город. – М., 1973.

¹⁴ Данилов С.В. Древние и средневековые города в кочевых обществах Центральной Азии.: Дисс. ... док. ист. наук. – Улан-Удэ, 2005; Крадин Н.Н. Города в средневековых кочевых империях монгольских степей // Средние века. Исследования по истории Средневековья и раннего Нового времени. – Вып. 72 (1-2). – М., 2011. – С. 330-351; Крадин Н.Н., Скрынникова Т.Д. Империя Чингиз-хана. – М., 2006. – С. 430-443.

¹⁵ Хазанов А.М. Кочевники и города в Евразийском степном регионе и соседних странах // Материалы Международной конференции «Урбанизация и номадизм в Центральной Азии: история и проблемы». – Алматы, 2004. – С. 318-330; Haeshi T. The Role of Sedentary People in the Nomadic States: From the Xiongnu Empire to the Uigur Qaghanate // Материалы Международной конференции «Урбанизация и номадизм в Центральной Азии: история и проблемы». – Алматы, 2004. – С.123-126.

¹⁶ Майдар Д., Пюрвеев Д. От кочевий до мобильной архитектуры. – М., 1980; Гюль Э.Ф. Диалог культур в искусстве Узбекистана. Античность и средневековье. – Т., 2005; Clauson G. An Etymological Dictionary of Pre-Thirteenth-Century Turkish. – Oxford, 1972; Sinor D. The origin of Turkic Baliq “town” // CAJ. – 1981. – №25. – P. 95-102; Мурзаев Э.М. Тюркские географические названия. – М., 1996; Караев С.К. Древнетюркские топонимы Средней Азии // СТ. – 1985. – №6. – С. 23-35; Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии.: Дисс. ... канд. фил. наук. – СПб., 2004; Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Т., 2006; Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков (кейинги ўринларда СИГТЯ). Лексика. Т. 4. – М., 2001; СИГТЯ. Пратюркский язык основа. Т. 6. – М., 2006.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тарих институтида амалга оширилган Ф1-ФА-0-11986 “Ўзбекистон шаҳарлари: анъаналар, трансформация ва урбанизация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)” (2012–2016) номли фундаментал ҳамда ЁА1-ФА-ГОО4 “Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий ҳудудларида шаҳар антропологияси (VI – VIII асрлар)” (2016–2017) номли амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Турк хоқонлиги шаҳарлари хусусиятларини фанлараро ёндашув ёрдамида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёзма манбалар ва лингвистик материалларга таяниб, эски туркларда “шаҳар” тушунчасини ва шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

эски туркларда ҳукмдор қароргоҳи – “ўрду” тушунчасини таҳлил қилиш ҳамда уларни мақоми ва вазифасига кўра таснифлаш;

VI – VIII асрларда шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланишидаги бош омиллар, хусусан, Турк хоқонлигининг шаҳарлар таракқиётига таъсири масаласини очиб бериш;

Шарқий ва Ғарбий хоқонликларнинг бошқарув марказлари – ўрду қароргоҳлари ва пойтахт шаҳарларини аниқлаш ҳамда уларни тизимлаштириш;

Шарқий ва Ғарбий хоқонликларнинг “давлат улус” (марказий ҳудуд)лари – Ўрхун водийси ва Еттисувдаги шаҳарларни ёритиш;

Ғарбий хоқонликнинг вассали бўлган Чоч ва Фарғона ҳукмдорликлари мисолида Турк хоқонлиги даврида воҳа шаҳарларининг ҳолатини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти этиб VI – VIII асрлардаги Турк хоқонлиги шаҳарлари тарихи белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети эски туркларда “шаҳар” тушунчаси, шаҳарларнинг юзага келиш омиллари, қароргоҳ ва пойтахтлар, хоқонликнинг “давлат улуси” ҳамда вассал ҳукмдорликлари шаҳарлари тарихидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий тадқиқотнинг холислик ва тарихийлик тамойиллари ҳамда хронологик, тизимлилик, қиёсий ва генетик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эски турклар “шаҳар” тушунчаси остида соф туркча *balıq* атамасини, ўз давлатлари “пойтахти” деб эса ҳукмдорлик рамзи саналган, мавқеи доимий пойтахт шаҳардан юқори турган “Олтин Ўрду”ни тушунишгани асосланган;

хоқон ўрдулари мақоми ва вазифасига кўра бош, олий ўрду – “Олтин Ўрду” ёки “Улуғ Олтин ўрду”, мавсумий ўрду – “Шимолий ўрду” ва “Жанубий ўрду” ҳамда “Сафар ўрду”лари тарзида бир-биридан фарқлангани аниқланган ҳамда бу Турк хоқонлиги шаҳарлари ва умуман дашт шаҳарларининг ўзига хос хусусиятларидан эканлиги асосланган;

хоқон хотинлари “Хотун-ўрду”, “Хотун-балиқ” ёки “Хотун-кат” ҳамда хоқонларга узатилган хитойлик маликалар “Қуй” деб юритилган алоҳида ўрду ва шаҳарларда яшашгани аниқланган ҳамда туркларда *Jabyūkaθ* ва

Xātūnkaθ, хазарларда *Xan-baliq* ва *Xātūn-baliq*, уйғурларда *Ordu-baliq* ва *Xātūn-baliq* тарзидаги бошқа бирор ерда кузатилмайдиган кўшалок шаҳарлар қуриш аънанаси Ўрта Осиё ва унга туташ ерларга эски турклар олиб келган шаҳар маданиятидаги ўзгаришлардан бири эканлиги далилланган;

Ашина сулоласи хун, жуан-жуан, усун каби давлатларнинг бошқарув марказлари ўрнига қароргоҳларини қуриш билан ўзларининг минтақадаги сиёсий легитимациясини асослашгани, воҳаларда ўз ҳукмронлигини ўрнатганидан кейин ҳам дашт давлатларига хос мавсумий қароргоҳларда яшашни давом эттиришгани, хоқонлик чегаралари кенгайгани сари стратегик ҳудудларда янги қароргоҳларга асос солишганига ойдинлик киритилган;

хоқонлик кўли остидаги воҳа ҳудудларида эски шаҳарларнинг такомиллашгани ва янгиларининг қурилгани ҳамда шу билан боғлиқ ҳолда воҳа шаҳарларида мавжуд туркий қатламнинг янада қалинлашгани Чоч ва Фарғона мисолида асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Диссертация ишининг амалий натижалари қуйидагилар билан белгиланади:

илк ўрта асрлардаги шаҳарчилик билан боғлиқ соф туркий атамалар, турли ёзма манбалар, археологик материаллар ҳамда илмий тадқиқотлардаги маълумотлар жамланиб, улар асосида жаҳон фанида устувор бўлиб келаётган туркий халқларнинг эскидан кўчманчи чорвадор бўлгани ва фақат Қорахонийлар даврига келиб ўтроқлаша бошлагани тўғрисидаги хулосалар бир ёқлама эканлиги асослаб берилган;

Турк хоқонлигининг бошқарув марказлари – 16 та ўрду қароргоҳлар ва пойтахт шаҳарлар комплекс ўрганилиб, тизимлаштирилиши натижасида жаҳон тарихшунослигида хоқонликнинг фақат Ўтукан ва Суйаб номли икки пойтахти бўлгани, ҳатто, хоқонликнинг пойтахт шаҳри бўлмагани ҳақидаги қарашлар нотўғри эканлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда жаҳон тарихи фанидаги илмий ёндашув ва усуллар асосида хитой, турк, суғд, юнон, тибет, араб-форс тилларидаги йилнома, саёҳатнома, битиктош ва ҳисобот шаклидаги ёзма манбалар, археологик ва лингвистик-топонимик материаллардан фойдаланилгани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти Турк хоқонлиги шаҳарларининг ўзига хос хусусиятларининг аниқланиши ва унинг бошқа даврлар шаҳарлари билан узвий боғлиқлигининг исботланиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан “Жаҳон тарихи”, “Марказий Осиё тарихи” ва “Ўзбекистон тарихи” каби дарслик ва ўқув қўлланмаларидаги илк ўрта асрлар даври маданий ҳаёти ва шаҳарлар тарихини ёритишда ҳамда туркий халқлар маданияти тарихи бўйича назарий-методологик дастурлар ва тадқиқотларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турк хоқонлиги шаҳарлари масаласини ўрганиш жараёнида эришилган натижалар асосида:

Марказий Осиёда илк ўрта асрлардаги этник жараёнларда туркийларнинг кучли таъсири, Чочда туркий ва туркий-суғдий номдаги шаҳарлар, Фарғонада турк-рун ёзувли ёдгорликлар, иккала ҳукмдорликда ҳам турк хоқонлари зарб эттирган тангалар тўғрисидаги маълумотлардан ФА-А1-ГО25 ПВ-2014-0911000555 “Ўзбеклар: этник тарих, маданият ва анъаналар” (2015–2017) мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 19 апрелдаги 3/1255-1015-сонли маълумотномаси). Ушбу нашр Ўзбекистон ҳудудида илк ўрта асрларда кечган этносиёсий жараёнлар ҳамда эски туркларнинг ўзбеклар этногенезидаги ролини илмий асослашга хизмат қилган;

Турк хоқонлигида махсус элчилик билан шуғулланувчи шахслар ва бошқа юқори унвонли амалдорлар, хоқонликка хос дипломатик церемониал (хоқонлар элчиларни ўтирган ҳолда қарши олишгани, қўшин намойиши, қимматбаҳо ва дабдабали буюмлар кўргазмаси, оғзаки дипломатик сўзлашув, элчиларнинг хоқон ўрдусида қарши олиниши), “Олтин Ўрду” ва унинг кўриниши тўғрисидаги маълумотлар И-1-ФА-Г003 ИЗ-2015-0907175446 “Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан лавҳалар” (2016–2017) номли лойиҳа доирасидаги монографияда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 19 апрелдаги 3/1255-1015-сон маълумотномаси). Тадқиқот Ўзбекистон дипломатияси тарихида Турк хоқонлиги даври алоҳида ўрин тутгани, эски туркларга хос дипломатик церемониалнинг ўзига хос хусусиятлари ва “Олтин Ўрду”нинг элчиларни қарши олишдаги аҳамиятини таҳлил этишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 20 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола – 8 таси республика ва 1 таси чет эл журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 150 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ҳамда тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Эски туркларда «шаҳар» тушунчаси ва Турк хоқонлигида шаҳарларнинг юзага келиши**” деб номланиб, унинг

“Эски туркларда “шаҳар” тушунчаси ва шаҳарларнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган биринчи параграфиди туркларнинг шаҳар ва манзилгоҳларини ёритувчи луғатлар ва ёзма манбалар таҳлилга тортилган.

“Ёпишқоқ тупроқ, лой” маъносидаги *bal* сўзидан келиб чиққан *balīq* атамаси эски турк тилида “шаҳар”, “атрофи тупроқ девор билан ўралган ҳар қандай шаҳар”ни англатган¹⁷. Манбаларда *Toyu-baliq*, *Beš-baliq*, *Ordu-baliq*, *Xātūn-baliq*, *Baqir-baliq* каби шаҳар номлари, ҳатто, “шаҳардагилар” маъносидаги *balīqdaqī* термини учрайди¹⁸. Турклар кейинчалик суғдийлардан *kānt* сўзини олишгани билан¹⁹ *balīq* термини ҳам йўқолиб кетмаган. Чунки Шарқий Туркистон, Мўғулистон худудларидан ташқари *balīq* атамаси Амударё – Сирдарё оралиғида ҳам кенг тарқалганини илк ўрта асрларга оид турли манбаларда Тўхористонда *Валвалиж/Ахуан* – **Авар-балиқ* (Қундуз), Чочда *Almalyk* – **Олмалиқ*/**Al-baliq* (“Алвон шаҳар”), *Арбилах/Абрлиғ* – **Арпалиғ*/**Ar-baliq* (“Арпага бой шаҳар” ёки “Эр, кишилар шаҳри”) шаклидаги шаҳар номлари тасдиқлайди²⁰. Илк ўрта асрларга тегишли бир тибетча манбада Ғарбий туркларнинг пойтахти ўлароқ *Paker-paleg* (*Бақир-балиқ* – “Мис-шаҳар”) шаҳри²¹, турк битиктошларида Хитой шаҳарларидан бири *Шандун-балиқ* тарзида тилга олиниши турклар орасида *balīq* атамасининг “шаҳар”ни англатувчи ўзгармас тушунча бўлганини ва улар ўз шаҳарларидан бошқа ҳар қандай шаҳарга ҳам ушбу атамани қўллашганини кўрсатади.

“Ҳокимият маркази”, “ҳукмдор ўтирадиган маҳсус жой”, “қароргоҳ” маъносидаги *ordu* (*orda*) Турк хоқонлиги шаҳарчилигида ўзига хос ўрин тутган. Чунки улар бўлажак пойтахт шаҳарлар учун асос бўлиб²², бунини *Ўрду-балиқ*, *Ўрду-канд* каби топонимлар ҳам, Маҳмуд Кошғарийнинг ўрдуни арабчага *qasaba* – “пойтахт” шаклида ўтиргани ҳам тасдиқлайди²³. Кўриниши ва бажарган вазифасига кўра ўрдулар турлича бўлгани уларнинг номлариданоқ (мас., “Олтин Ўрду”, “Улуғ Ўрду”) ёки “Улуғ Эб”, “Шимолий” ёхуд “Жанубий Ўрду”) сезилади. Хусусан, хитой роҳиби Сюан-цзан пойтахт Суйаб яқинида Ғарбий турк хоқонларининг “*алтироқлигидан кўз қамашувчи олтин нақшлар билан безатилган катта ва кенг ўтоғи*” (яъни, “Олтин

¹⁷ Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону-луғат ит-турк) (кейинги ўринларда ДЛТ) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. 1-том. – Т., 1960. – Б. 360; Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. Общетюркские и межтюркские основы на букву «Б». – М., 1978. – С. 59.

¹⁸ Древнетюркский словарь (кейинги ўринларда ДТС). – Л., 1969. – С. 80; Clauson G. An Etymological Dictionary... – P. 335; СИГТЯ. Т. 4. – С. 485, 487; СИГТЯ. Т. 6. – С. 443-450.

¹⁹ ДЛТ. 1-том. – Б. 327, 329-330.

²⁰ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Тексты и исследование. – Новосибирск, 1989. – С. 241; Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. – Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, пер. и комм. В.А. Лившица. – М., 1962. – С. 101; Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ... – С. 192; Бабаяров Г., Кубатин А. Древнетюркские топонимы Чачского (Ташкентского) оазиса // Историко-культурное наследие и современная культура. – Астана, 2016. – С. 177; СИГТЯ. Т. 6. – С. 474.

²¹ Bacot J. Reconnaissance en Haute Asie septentrionale par cinq envoyes ouïgours au VIIe siècle // Journal Asiatique. – Vol. 254. – No. 2. – 1956. – P. 145.

²² Маргулан А.Х. Из истории городов и строительного искусства древнего Казахстана. – А-А., 1950. – С. 29; Ткачев В.Н. Каракорум в XIII веке // Mongolica. Памяти Б.Я. Владимирцова. – М., 1986. – С. 219-231.

²³ Divanü Lūgat-it Türk Tercümesi. Cilt I-IV / Çev. B. Atalay. TDK yayınları: 521-524. – Ankara, 1985. Cilt II. – S. 124.

Ўрду”си – М.Х.) борлигини ёзган²⁴. Бошқа хитой йилномачиларига кўра, Олтой тоғларида ҳам турк хоқонларининг “Олтин қароргоҳ”и (хит. *цзин-я*) жойлашган²⁵. Олтин (сарик) ранг ҳокимиятнинг маънавий рамзи саналгани учун²⁶ ўрдуга қарата кўчма маънода, хоқон қароргоҳи олтин суви югуртилган ҳашамдор шоҳона буюмлар, қимматбаҳо безаклар билан тўлиб-тошганлигидан эса чин маънода қўлланилган. “Олтин Ўрду” Шарқий ва Ғарбий хоқонликларнинг ички қанотлари ўртасида – *ичраки*²⁷дан ўрин олган бўлиб, Шарқий қанотда Ўтукан водийсида, Ғарбий қанотда эса Суйаб шаҳридан ташқарида жойлашган эди²⁸.

Демак, хоқонлар мустаҳкам пойтахт шаҳар билан бирга ҳокимият рамзи бўлмиш “Олтин Ўрду”га ҳам эга бўлишган. Хитой муаррихлари *я-чжан* (*я* – “туғ, байроқ”, *чжан* – “атрофи ўралган шаҳар”) деб берган ҳукмдор ўтоғи (турк. *eb* – “уй”) тепасида элчилар таъзим қилган *туғ*²⁹, ичида эса ҳокимият рамзларидан бири *тахт* (турк. *orun*) жойлашган. Умуман, ўрду ўзида маъмурий бошқарув аппарати, хазина ва кўшинни ҳам жамлаган эди. Шунинг учун, душман олдин “Олтин Ўрду”ни олган, кейин девор билан қуршалган пойтахт шаҳарни эгаллашга киришган. Бу эса дашт империяларида ўрдунинг мавқеи доимий пойтахт шаҳардан юқорирок турганини билдиради.

Сюан-цзаннинг ёзишича: “*Турклар одатда ёзда ўт-ўлани мўл ва чорва ёйиш учун ажойиб шароитли ўтлоққа эга даштларнинг шимолида яшайдилар. Қишда кучли совуқдан пана бўлиш учун тоғларга жойлашадилар. Шунинг учун уларда иккита қароргоҳ бор*”³⁰. Кўпинча қишлик ўрду вазифасини бирор шаҳар ёки кўрғон бажарган бўлса, ёзлик қароргоҳлар битиктошларда *сит* дейилган “қозикдевор” билан ўралган манзиллар бўлган³¹. Дашт шаҳарларининг ўзига хос хусусиятларидан бўлган ҳукмдорлар бир вақтнинг ўзида ҳам ёзлик, ҳам қишлик қароргоҳларга эга бўлишгани³² турк хоқонларининг воҳаларда ўз ҳокимиятини ўрнатишганида ҳам уларни ёзлик ва қишлик қароргоҳлардан туриб бошқаришганида кўринади. Шунингдек, ҳукмдорлар узоқ юришлар – жанг, ов ёки элчилик кабиларга отланганида уларга йўлдош бўлган, бирор муддатга жанг ёки ов майдони яқинига қурилган³³ сафар ўрдулари ҳам бўлиб, улар оддийгина “ўрду” деб юритил-

²⁴ Зуев Ю.А. Ранние турки: очерки истории и идеологии. – Алматы, 2002. – С. 264; Beal S. The life of Hiuan Tsiang. – New Delhi, 1990. – P. 41-42.

²⁵ Кюннер Н.В. Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Евразии и Дальнего Востока. – М., 1961. – С. 187-188; Малявкин А.Г. Танские хроники... – С. 115, ком. 28.

²⁶ Erkoç H.İ. Eski Türklerde Devlet Teşkilatı. Basılmamış Yüksek Lisans Tezi. – Ankara, 2008. – S. 73.

²⁷ Туркларда *ич* – “хос”, “хоқонга боғлиқ, хоқон учун махсус”; “сиёсий марказ” маъноларини англатган (User Ş.H. Köktürk ve Ötüken Uygur Kağanlığı Yazıtları. Söz Varlığı İncelemesi. 1. Baskı. – Konya, 2009. – S. 305, 307).

²⁸ Бобоёров Ғ.Б. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми... – Б. 246.

²⁹ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 1. – М.–Л., 1950. – С. 229; Ögel B. Türk Kültürünün Gelişme Çağları... – S. 122.

³⁰ Малявкин А.Г. Танские хроники... – С. 238.

³¹ Gabain A. (von) Köktürklerin Tarihine... – S. 685-695; Ōsawa T. The significance of the Ötüken yer to the ancient Turks // From Ötüken to İstanbul, 1290 Years of Turkish (720–2010). 3th–5th December 2010, İstanbul. Papers / Ed. by M. Ölmez. – İstanbul, 2011. – P. 415.

³² Крадин Н.Н. Города в средневековых кочевых империях... – С. 348.

³³ Майдар Д., Пюрвеев Д. От кочевий до мобильной архитектуры... – С. 39; Базылган Н. Конне Турк этнографиясынын (КТЭ) бітіктастардағы дереттанулық негіздері // Shygys. – 2004. – №1. – С. 141.

ган³⁴. Демак, хоқонлар доимий пойтахт шаҳарга эга бўлиш билан бир пайтда “Олтин Ўрду”га, “Шимолий” ва “Жанубий” ўрдуларга ҳамда сафар ўрдуларига эга бўлишган. Анъанавий “воҳа шаҳарлари уюшмаси”дан принципиал ажралиб турган турк ва мўғулларнинг ўзига хос янги шаҳар типи бўлган бундай ўрдуларни “илк урбанизм”, “шаҳар-ййлов ассоциацияси” ёки “дашт шаҳри” номлари билан юритиш таклиф этилган³⁵.

Хитой йилномачилари эфталитлар ҳақида шундай ёзишган: “*Одатлари туркларникига бирмунча ўхшаб кетади. ...Хукмдорнинг хотинлари бир-биридан 200-300 ли узоқликда алоҳида яшашади. Хукмдор тартиб билан уларни айланиб чиқади, ҳар ойда битта жойда бўлади, қишки совуқлар вақтида уч ой саёҳат қилмайди*”³⁶. Турк битиктошларидаги Кул-тегин ҳимоя қилган, ҳар ҳолда Мўғулистонда жойлашган ўрду ҳам, бизнингча, аслида хотун ўрдуси бўлган. Чунки у ерда фақат Билга хоқоннинг ўз онаси – хотун, ўғай оналари, холалари, келинлари ва хотинлари – малика-қунчуйлар бўлганлиги эслатилган³⁷. Демак, *ordu* деб юритилган хотун қароргоҳлари бир-биридан муайян узоқликда жойлашган араваларга ййгиладиган уйлардан иборат “кўчма шаҳар” бўлган. Бундан бошқа хукмдор қароргоҳи яқинида ёки деярли ёнма-ён жойлашган мустаҳкам доимий *qatun-baliq* (“хотун шаҳри”)лар ҳам бўлган. Туркларда *Jabyūkaθ* ва *Xātūnkaθ*, хазарларда *Xan-baliq* ва *Xātūn-baliq*, уйғурларда *Ordu-baliq* ва *Xātūn-baliq* тарзида юритилган³⁸ бундай кўшалок шаҳарлар удуми бошқа ҳеч ерда кузатилмайди³⁹. Шунингдек, турк хоқонларига узатилган хитойлик маликалар деярли “хотун” ёки “Улуғ хотун” мавқеида бўлмаганликлари⁴⁰ учун улар яшаган шаҳарлар “Хотун-балиқ” деб эмас, балки исмлари билан ёки шунчаки *quy* (хит. *gui/kuiei*)⁴¹ деб юритилган. “Хотун шаҳри” ёки ўрдуси ва “қуй” – иккиси бошқа-бошқа тушунчалар ва манзилгоҳлар бўлгани уларнинг унвонларида (*qatun* ва *qunčuy*) ва манзилгоҳ номларида (*ordu* ёки *baliq* ва *quy*) сезилади⁴². Афтидан, Хитой таъсирида пайдо бўлган *quy* –

³⁴ Хэй-да ши-люе. «Краткие сведения о черных татарах» Пэн Да-я и Сюй-Тина / Публ. и коммент. Линь Кюн-и и Н.Ц. Мункуева // Проблемы востоковедения. – 1960. – №5. – С. 138.

³⁵ Крадин Н.Н., Скрынникова Т.Д. Империя Чингиз-хана... – С. 433; Durand-Guedy D. Introduction. Location of rule in a context of Turko-Mongol domination // Turko-Mongol Rulers, Cities and City-life / Ed. by David Durand-Guédy. Brill’s Inner Asian library, vol. 31. – Leiden [etc.], 2013. – P. 2-3.

³⁶ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... Т. 2. – С. 268-269.

³⁷ Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М.–Л., 1951. – С. 33, 42.

³⁸ Толстов С.П. Города гузов... – С. 72; Рашид-ад-дин. Сборник летописей. Т. I. Кн. 1 / Перевод с персидского Л.А. Хетагурова. – М.–Л., 1952. – С. 146; The history of the World Conqueror by ‘Ala-ad-Din ‘Ata-Malik Juvaini. Translated from the text of Mirza Muhammad Qazvini, by J.A. Boyle with a new introduction and bibliography by D.O. Morgan. – Manchester University Press, UNESCO Publishing, 1997. – P. 226.

³⁹ Хитой империясида фақат саройнинг ичидаги биноларда шунга ўхшаш тизим бўлган. Балки турклар бу удумни ўз вақтида хитойлардан олгандир. Бироқ чорвадор хукмдорлар бирмунча вақтга чўзилувчи жангларда узоқ масофаларга кўпинча ўзлари билан оналари, хотинлари ва бола-чақаларини олиб юрмай, уларни ишончли мустаҳкам жойда қолдиришгани учун бу каби “хотун шаҳар”лари келиб чиққанлиги эҳтимоли юқорирок.

⁴⁰ Уйғур хоқонларига узатилган айрим Тан сулоласи маликаларига “хотун” унвони берилган (User H.Š. Runic Türk Yazıtları çerçevesinde *katun* ve *kunčuy* // From Ötügen to İstanbul, 1290 Years of Turkish (720–2010). 3th–5th December 2010, İstanbul. Papers / Edit. by M. Ölmez. – İstanbul, 2011. – S. 282-283).

⁴¹ ДТС. – С. 464; Pulleyblank E.G. Lexicon of Reconstructed Pronunciation in Early Middle Chinese, Late Middle Chinese, and Early Mandarin. – Vancouver, BC., 1991. – P. 115.

⁴² Т. Бойқаронинг *quy* ва *qatun-baliq* борасида фикрлари биров фарқли. *Қаранг*: Вайкара Т. Türk şehirçilik

манзилгоҳлар атрофи ўралган, ичида маликалар учун тупроқли турар-жойлар тикланган ёки чодир-уйлардан иборат шаҳарлар бўлган⁴³.

Евросиёнинг барча тарихий давлатлари сингари туркларнинг ўз тилларида *qoriyan, turuy* ёки *tura, toy (ton), çit* деб юритилган муодофаа кўрғонлари бўлган⁴⁴. Одатда атрофи мустаҳкам деворлар билан ўралган, бир нечта дарвозаси бор, марказида арк, унинг атрофида эса кўшиннинг юрталари жойлашган кўрғонлар жанг вақтларида захира омбори, атрофдаги чорвадорларнинг яшириниши учун ҳамда вазият талаб қилганида маълум вақт олий ҳукмдорнинг қароргоҳи вазифасини бажарган (худди Амғи кўрғон ва Жабғукат каби)⁴⁵. Шунинг учун, уларда маданий қатлам кам ёки деярли учрамайди⁴⁶.

Хуллас, эски турк тилида *baliq, kerman*⁴⁷, *toy/ton, qoriyan, tura, uluř* каби “шаҳар”, “қишлоқ”, “кўрғон” маъноларини билдирган соф туркий атамаларнинг кўпчилиги “лой, тупроқ” билан боғлиқлиги эски туркларнинг ўз шаҳарлари – доимий (стационар) ва кўчма (мобил) манзилгоҳлари бўлганини кўрсатувчи ишончли далиллардан биридир.

Бобнинг иккинчи параграфи “*Хоқонликда янги шаҳарларнинг юзага келиши ва такомиллашув омиллари*” деб номланиб, унда Турк хоқонлиги даврида шаҳар ва манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши ва тараққий этишидаги айрим омиллар кўриб чиқилган. Кўпчилик “Турк хоқонлиги” деганда одатда Мўғулистон, Жанубий Сибир, Тоғли Олтой, Шимолий Хитой каби чорвачилик хўжалиги устувор ҳудудлар ёки Шарқий хоқонликни⁴⁸ тушунишади ва чинакам турк шаҳарларини бу каби дашт ҳудудларидан излашга уринишади. Аслида кескин иқлимли дашт зоналарига тўла мослашган чорвачилик хўжалиги йил бўйи кўчиб юришга ихтисослашгани туфайли бу ерларда доимий манзилгоҳларга деярли эҳтиёж бўлмаган. Шунинг учун, Шарқий хоқонликда шаҳар ва манзилгоҳлар Ғарбий хоқонлик ҳудудига қараганда кам, лекин тоғ этаклари ва дарё водийлари каби даштларнинг қулай жойларида ҳамда чегара бўйларида шаҳар ва кўрғонлар қад кўтарган⁴⁹.

Tarihinden: Hatun Türk şehirleri... – S. 497-513.

⁴³ Хитой йилномаларида айрим хитойлик маликаларнинг чодирларда яшагани тилга олинган (Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... Т. 1. – С. 240, 241).

⁴⁴ ДТС. – С. 92, 458, 587, 588.

⁴⁵ Кызласов Л.Р. История Южной Сибири в средние века. – М., 1984. – С. 145-147; Байпаков К.М. Городище типа «тортукуль» // Археологические памятники Казахстана. – А-А., 1978. – С. 89; Ўша муаллиф. Западнотюркский и Тюркешский каганаты... – С. 169-170; Худяков Ю.С. Древние и средневековые фортификационные сооружения в Южной Сибири и Центральной Азии // Военное дело и средневековая археология Центральной Азии. – Кемерово, 1995. – С. 62-73.

⁴⁶ Худяков Ю.С. Древние и средневековые фортификационные сооружения... – С. 67.

⁴⁷ Ушбу термин кўпроқ Шарқий Европа турклари орасида кенг тарқалгани учун унга тўхталинмади.

⁴⁸ Хоқонликнинг Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлиниши ундаги марказий ҳокимиятнинг инкирози билан эмас, балки Марказий Осиёнинг чорвадор халқлари эски давлатчилик удуми ва ҳарбий тузуми билан боғлиқ. Хусусан, Хун империяси, кейинроқ Қорахонийлар ва Салжуқийлар салтанатлари ҳам худди шу каби Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлинганлиги бунинг мисолидир (Зуев Ю.А. Ранние тюрки... – С. 33; Бобоёров Ғ.Б. Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми... – Б. 23).

⁴⁹ Шу ўринда Л.Н. Гумилевнинг шаҳарлар фақат дарёлар бўйида вужудга келади, чунки чўл ва даштларда бугун ҳам кишилар ўтроқ яшамайди деган хулосаси ўринли (Гумилев Л.Н. Древняя Русь и Великая степь. – М., 2002. – С. 43).

Хунлар давриданок бошқа дашт ҳукмдорлари каби турк хоқонлари ҳам турли ерлардан деҳқон ва ҳунармандларни кўчириб келтиришган, асирлар, қочоқлар учун махсус манзилгоҳлар қуришган ёки хоқонларга хизмат қилган суғдий ва хитойликлар каби амалдорларнинг маслаҳатлари билан ўз ҳудудларида деҳқончилик ва ҳунармандчилик марказларини яратишга уринишган⁵⁰. Талас атрофидаги ана шундай хитойларнинг манзилгоҳларидан бири *Сяо-куо-чэн* (“Кичик ёлғиз бир шаҳар”) ҳақида Сюан-цзан ёзиб қолдирган⁵¹. Бунда бу каби шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг табиий йўли кўрсаткичи эмас, балки чорвачиликка мослашув эди⁵².

Чорвадорларда шаҳарларнинг пайдо бўлишидаги омиллардан яна бири уларнинг воҳа шаҳарларини қўлга киритишлари ёки олдинги даврлардан қолган эски шаҳарлардир⁵³. Ашина турклари ҳам ўз ўтмишдошлари сингари хоқонлик қурилиши биланок Шарқий Туркистон ва Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳа ҳукмдорликларини бўйсундиришни ўз сиёсатларининг бош вазифаси деб билишган⁵⁴.

Узоқ вақт фанда турк хоқонлари воҳалардаги шаҳар ҳаётига аралашмагани, фақат тижоратдан келувчи фойдадан ўз улушларини олиш билан чекланишгани ҳақида қарашлар ҳукмрон эди⁵⁵. Лекин шаҳар цивилизацияси ва кўчманчи даштнинг ўзаро бир-бирига таъсири масаласига эътибор қаратилгани⁵⁶, хоқонларнинг айрим воҳа ҳукмдорликларида тўғридан-тўғри Ашина хонадони аъзоларини ёки ўз ноиблари – *тудун*ларни тайинлаганликларининг аниқлангани⁵⁷ юқоридаги хулосанинг асоссиз эканини кўрсатди.

Кўпчилик олимлар VI – VIII асрларда минтақа шаҳарларининг тараққий этишини халқаро савдо йўлининг жадал ривожланиши билан боғлашади⁵⁸. Бошқача айтганда, турклар ва суғдийларнинг ўзаро яқин алоқаларини ифода-

⁵⁰ Хазанов А.М. Социальная история скифов. Основные проблемы развития древних кочевников евразийских степей. – М., 1975. – С. 144; Егоров В.Л. Историческая география Золотой Орды в XIII – XIV вв. – М., 1985. – С. 77; Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. – СПб., 2006. – С. 107-108; Haeshi T. The Role of Sedentary People... – P. 123-126, 130, n. 9.

⁵¹ Beal S. Si-Yu-Ki. Buddhist Records of the Western World. Vol. I. – London, 1884. – P. 28; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003. – S. 122.

⁵² Тишин В.В. Историография социальной истории Тюркского каганата VI – VIII вв.: Дисс. ... канд. ист. наук. – М., 2015. – С. 222.

⁵³ Легран Ж. Кочевые формы городов в степных кочевых империях // Материалы Международной конференции «Урбанизация и номадизм в Центральной Азии: история и проблемы». – Алматы, 2004. – С. 331-336.

⁵⁴ Толстов С.П. Древний Хорезм... – С. 265.

⁵⁵ Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М., 1993. – С. 44-45, 148, 149, 153; Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Этнос, язык и религии. Т. II. – М., 1992. – С. 132; Кляшторный С.Г. История Центральной Азии и памятники рунического письма. – СПб., 2003. – С. 435.

⁵⁶ Толстов С.П. Древний Хорезм... – С. 275; Гюль Э. Городская цивилизация и кочевая степь: еще раз о характере взаимодействий // Узбекистон урбанистик маданияти. Халқаро илмий конференция материаллари. – Т., 2003. – С. 116-117; Байпаков К.М. Взаимодействие земледельческих и кочевых культур в рамках степной цивилизации Казахстана // Цивилизация Центральной Евразии: земледельцы и скотоводы. – Самарканд, 2002. – С. 9.

⁵⁷ Бобоёров Ф.Б. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми.: Тарих фан... дисс. автореф. – Т., 2012. – Б. 48-49.

⁵⁸ Буряков Ю.Ф. Торговые пути и их роль в урбанизации бассейна Яксарта // На Среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. – Т., 1990. – С. 82-100; Байпаков К.М., Шарденова З.М., Перегудова С.Я. Раннесредневековая архитектура Семиречья и Южного Казахстана на Великом шелковом пути. – Алматы, 2001. – С. 30.

ловчи Ўрта Осиё иккидарё оралиғидаги шаҳарларнинг тижорат-симбиотик хусусияти ушбу шаҳарларнинг юксалишини таъминлаган ва кичик шаҳарларнинг йирик тижорий, сиёсий ва иқтисодий марказлар бўлиб трансформациялашувига олиб келган⁵⁹. Улкан империянинг иқтисодий қудратини таъминловчи омиллардан бири бўлган тижоратга давлат томонидан ҳомийлик қилиниши турк хоқонларининг халқаро савдо битимларини тузишлари, янги тижорат йўлларини очишлари ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашларида кузатилади⁶⁰. Буларнинг барчаси олдиндан тижоратга моҳир суғдий савдогарларнинг карвон йўллари бўйлаб ўз тижорат факторияларига асос солишлари учун қулай имконият яратган⁶¹.

Халқаро тижорат ва ички бозорни янада жонлантириш учун турк хоқонлари ўз танга-пулларини ҳам бостиришган. Давлат зарбхонаси қайси шаҳарда жойлашган бўлса, ўша шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудлар жадаллик билан тараққий этиб борган. Чоч воҳаси турк хоқонларининг танга зарб қилдирадиган марказларидан бири бўлиб, буни Тошкент воҳасидан топилган илк ўрта асрларга оид тангалардаги туркий унвонлар ва туркларга хос иконографик тасвирлар тасдиқлайди⁶². Шунингдек, турк хоқонлари, вассал ҳукмдорликлар бошқарувига тайинланган шахзода (*тегин*)лар ва ноиб (*тудун*, *тутуқ*)лар ўзларига воҳаларда маъмурий-сиёсий марказ ўлароқ танлаган жойларда янги шаҳарлар қад қўтаргани ёки олдин кичик манзилгоҳ бўлган шаҳарчалар кенгайиб янада ривожлангани кузатилади.

Турк хоқонлиги даврида Ўрта Осиёда шаҳарчилик маданиятининг гуркираб яшнагани чорвадорларнинг воҳаларда оммавий ўтроқлашуви ва кўплаб ўтроқ туркларнинг янги ерларга кўчиши билан ҳам боғланади⁶³. А. фон Габэн айрим турк хоқонларининг будда динини қабул қилиб, унга раҳнамолик кўрсатишлари, уларнинг шаҳар ҳаётига ўтиши ва ўтроқлашуви билан боғлиқликда кечганини илгари сурган⁶⁴. Буни хитой ва ҳинд миссионерлари таъсирида буддавийликка хайрихоҳлик билдирган Муқан (553–572), Таспар (572–581), Тўн ябғу (618–630) ва Билга (716–734) хоқонлар мисолида кўриш мумкин⁶⁵. Жумладан, Тўн ябғу-хоқон Беш-балиқда⁶⁶, унинг

⁵⁹ Tosheva D. Central Asian Architecture: Turko-Sogdian symbiosis manifested in the post Islamic Architecture. (Ten-thirteenth centuries). A Thesis Submitted in Partial Fulfillment of the Requirements for the Degree of Master of Science in Architecture. – Milwaukee, 2017. – P. 26.

⁶⁰ Суяб. Ак-Бешим. – СПб., 2002. – С. 170; Камалов А.К. Тюрки и иранцы в Танской империи (618–907 гг.): Дисс. ... док. ист. наук. – Алматы, 2008. – С. 102.

⁶¹ Мокрынин В.П. К вопросу о тюрко-согдийской интеграции в VI – VIII вв. // Из истории дореволюционного Киргизистана. – Фрунзе, 1985; Отахўжаев А. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. – Т., 2010.

⁶² Бабаяров Г.Б. Древнетюркские монеты Чачского оазиса VI – VIII вв. – Т., 2007; Ўша муаллиф. Köktürk kağanlığı sikkeleri katalogu. – Ankara 2007.

⁶³ Алимова Д., Арифханова З., Камолитдин Ш. Каким не должен быть этнический атлас Узбекистана // Ўзбекистон тарихи. – 2004. – №1. – С. 82-83; Байпаков К.М. Взаимодействие земледельческих и кочевых культур... – С. 9.

⁶⁴ Gabain A. (von). Buddhistische Türkenmission // Asiatica. Festschrift. Fr. Weller. – Leipzig, 1954. – P. 166.

⁶⁵ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... Т. 1. – С. 274; Liu M. Die chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost-Turken. Buch I–II. – Wiesbaden, 1958. – P. 36-38, 42-44, 462; Западный Тюркский каганат. Атлас... – С. 93; Moses L.W. T'ang Tribute Relations with the Inner Asian Barbarian // Essays on T'ang Society: the Interplay of Social, Political and Economic Forces / Ed. J.C. Perry and B.L. Smith. – Leiden, 1976. – P. 74, 76.

⁶⁶ Beal S. The life of Hiuan Tsiang ... – P. 24.

авлодлари Тўхористон, Кашмир ва Гандхарада бир қанча будда ибодатхоналари қурдиришган⁶⁷. Гарчи, айрим турк хоқонлари буддавийлик билан таниш бўлишгани ва ҳатто, уни қабул қилишга уринишгани тўғрисида манбаларда ишоралар бўлса-да, бироқ бу жараён муваффақиятсизлик билан тугаган.

Турк хоқонлигида янги шаҳарларнинг юзага келиши ва такомиллашувида худди бошқа дашт империяларида бўлганидек⁶⁸, давлатчилик ва марказлашган ҳокимият бош омиллардан бири бўлган. Чунки хоқонлар ўз империяларининг бирлиги, барқарор иқтисодиёт ва ҳарбий юришлар давлат бошқарувидаги ўзгаришлар, тижорат ва ундан келадиган тушум билан боғлиқлигини англаган ҳолда жойларда турклар бошқарувини ўрнатишган, халқаро савдототиқни қўллаб-қувватлашган. Олдин форслар, кейин суғдлар билан икки томонлама манфаатли битимлар тузиш, янги халқаро тижорат йўлларини очиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ўзларининг мис тангаларини зарб эттиришлари, йирик империялар билан кенг дипломатик алоқаларни йўлга қўйиши – буларнинг барчаси ана шу мақсадли сиёсат йўлида қилинган эди. Бу тадбирлар ўз ўрнида минтақа шаҳарларининг янада гуллаб-яшнаши ва янгиларининг пайдо бўлишига замин яратган. Ҳокимиятнинг турклар қўлида эканлиги ҳам туркий қабила ва халқларнинг кўчиши, янги ерларни ўзлаштиришига ҳамда чорвадорларнинг ўтроқлашувига олиб келган. Натижада минтақа бўйлаб туркийларнинг янги манзилгоҳ ва шаҳарлари юзага келиб, шаҳарлардаги мавжуд туркий этник қатламнинг янада қалинлашувига сабаб бўлади.

Иккинчи боб **“Турк хоқонлигининг маъмурий-сиёсий марказлари”** деб номланиб, унда Шарқий ва Ғарбий хоқонлик марказлари “бош пойтахт”лар ва улар яқинидаги “Улуғ Олтин ўрду”лар, “Шимолий ўрду” (ёзлик) ва “Жанубий ўрду” (қишлик) деб аталган мавсумий қароргоҳлар ва хитойликлар томонидан қурилган шаҳарлар тарзида шартли таснифланиб ўрганилган. Бобнинг “Шарқий Турк хоқонлигининг марказлари” номли биринчи параграфида *Олтин-йиш* (Олтой), *Ўтукан*, *Ўрду-балиқ*, *Қорақум-балиқ*, *Амги-қўрғон* ҳамда хоқонлар учун хитойликлар томонидан қурилган шаҳарлар тўғрисида сўз боради. Хусусан, турклар ҳам Марказий Осиёнинг деярли барча бошқа давлатлари каби ўз марказларини Ўтукан водийси (Хангай тоғлари ва Ўрхун воҳаси)да қуришган. У ерда хитой манбаларига кўра Муқан хоқон қурдирган сарой ва шаҳар ёки қўрғон бўлган⁶⁹. Сўнгги археологик қазилмалар Хар-балғас (Қораболғасун) яқинидаги Чилен-балиқ ва Хангайнинг шарқий қисмидаги Хух-Ордунг (Кўк-

⁶⁷ Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. – Вып. 6. – СПб., 1903. – Р. 198; Кляшторный С.Г. Хунны и тюрки // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. Этнос, язык, религии. Т. II. – М., 1992. – С. 490.

⁶⁸ Маргулан А.Х. Из истории городов и строительного искусства... – С. 29; Егоров В.Л. Причины возникновения городов у монголов в XIII – XIV вв. // История СССР. – 1969. – №4. – С. 48; Ўша муаллиф. Историческая география Золотой Орды... – С. 140; Хазанов А.М. Кочевники и внешний мир. – Алматы, 2000. – С. 367; Дробышев Ю.И. Природопользование и восприятие природы у хунну // Восток (Oriens). – 2005. – №1. – С. 53; Данилов С.В. Древние и средневековые города... – С. 213-214, 292-293.

⁶⁹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... – С. 230-231, 241; Кюннер Н.В. Китайские известия о народах... – С. 327; Liu M. Die chinesischen Nachrichten... – Р. 23.

Ўрду) шаҳар харобалари VII аср ўрталари – Турк хоқонлиги даврига оидлигини кўрсатган⁷⁰. Ушбу шаҳар харобаларидан бири турк хоқонларининг пойтахти бўлиши мумкинлигини келажакдаги янги қазилмалар тасдиқлаши мумкин. Чуғай (хит. *Ин-шан*) тоғи яқинида, Қорақум (хит. *Хэй-ша*) чўлида Эл хоқон (620–630) давридан бошлаб (аслида ундан олдинроқ) турк хоқонлари учун “Жанубий қароргоҳ” вазифасини ўтаган ерда Қутлуғ Элтариш хоқон (682–691) *Қорақум-балиқ* (хит. *Хэй-ша-чэн*) шаҳрини қурдирган⁷¹. Бизнингча, Мўғулистон жанубида жойлашган *Амғи қўрғони* хоқонларининг қишлоқ ёки “Жанубий қароргоҳи” бўлган. Умуман, Шарқий хоқонликнинг бошқарув марказлари археологик материалларнинг етишмаслиги, борлари ҳам нашр этилмаганидан фақат ёзма манбалар ёрдамида таҳлил қилинди. Бу масаладаги узил-кесил хулосалар келгусидаги археологик қазилмаларни талаб этади.

Бобнинг “*Ғарбий Турк хоқонлигининг марказлари*” номли иккинчи параграфида *Беш-балиқ*, *Эк-тоғ* ва *Талас*, *Суйаб* ва *Бинг-йул*, *Жабғукат* ва *Хотункат*, *Бэй-тин* ва *Нан-тин* каби ўрду-қароргоҳлар ва пойтахт шаҳарлар таҳлил этилган. Жумладан, ўз қароргоҳини Тангри-тоғ (Тяншан)даги Юлдуз водийсида ўрнатиш удумини турк хоқонларига Истеми (568–576) бошлаб берган⁷². Византия манбаларидаги *’Ектáу* (Эк-тоғ) аслида Оқ-тоғ бўлиб⁷³, у Текес ва Кунгес дарёлари ҳавзаларидаги Юлдуз водийсида жойлашган Эшакбоши-ола (хит. *Бо-шан/Бай-шан*) тоғига тўғри келади⁷⁴.

Жуан-жуанлар қарамлиги даврида туркларнинг маркази бўлган Беш-балиқ (Жимсар)⁷⁵ кейинчалик ҳам Хитой билан чегарадаги стратегик шаҳар бўлиш билан бирга у ерда Гаочан (Турфон)га ўхшаш вассал ҳукмдорликлар устидан назорат қилиш учун хоқонликнинг махсус гарнизони сақланган⁷⁶. Шунинг учун, илк ўрта асрларда хитойча *Ке-хан фу-ту чэн* (“Хоқон-ступа шаҳри”) ва *Бэйтин*, тибетча *Paker-paleg* (“Бақир-балиқ”), туркча *Беш-балиқ* ва *Бақир-балиқ* номи билан юритилган ушбу шаҳарда айрим хоқонлар ўз қароргоҳларини қуришган⁷⁷. Илк ўрта асрлар манбаларида Ғарбий хоқонликнинг пойтахти ўлароқ *Суйаб* (Оқ-Бешим) шаҳри тилга

⁷⁰ Самашев З. Ордабалық жауһарлары // Мәдени мұра. Культурное наследие. – 2008. – №1. – Б. 51-55; Сарткожаулы К. Орда-балық – столица Тюркского каганата // «Еуразияшылдық идеясы контексіндегі Қазақстан туркітануы: мәселелері мен болашағы» халықаралық ғылыми-теориялық конференциясының ғылыми-теориялық мақалалар жинағы. – Астана, 2009. – С. 116-121; Waugh D.C. Nomads and Settlement: New Perspectives in the Archaeology of Mongolia // The Silk Road. – Vol. 8. – 2010. – P. 103.

⁷¹ Czegledy H. Çoğay-quzi, Qara-qum, Kök-öng... – P. 57; La Vaissère É., de. Away from the Ötüken: A geopolitical approach to the 7th c. Eastern Türks // Complexity of Inter Action along the Eurasian Steppe Zone in The First Millennium CE. / Ed. by J. Bemann, M. Schmauder. Bonn Contributions to Asian Archaeology. – Vol. 7. – Bonn, 2015. – P. 453-461.

⁷² Мори М. Политическая структура древнего государства кочевников Монголии. – М., 1970. – С. 2.

⁷³ Dobrovits M. The Altaic World through Byzantine eyes: some remarks on the historical circumstances of Zemarchus’ Journey to the Turks (AD 569–570) // АОН. – 2011. – Vol. 64 (4). – P. 386-387.

⁷⁴ Osawa T. The Cult-Religious Relations... – P. 53; Dobrovits M. The Altaic World... – P. 386.

⁷⁵ Osawa T. The Cult-Religious Relations... – P. 48-49.

⁷⁶ Skaff K.J. VI–VIII. Asırlarda Türkistan Vahalarında Batı Türk Hakimiyeti // TÜRKLER. 2. Cilt. – Ankara, 2002. – S. 100.

⁷⁷ Esin E. Islamiyetten önceki Türk kültür târihi ve İslâma Giriş. – Istanbul, 1978. – S. 120, 230, n. 10; Osawa T. The cult-religious relation... – P. 54.

олинган⁷⁸. Бироқ унга кўпчилик суғдий шаҳар деб қарашгани учунми, шаҳарнинг айнан Турк хоқонлиги даврида пойтахт мақомини олганлиги ва ундаги улкан қурилиш ишлари ҳам худди шу даврга тўғри келиши эътиборга олинмайди. Аслида хоқонликдан олдин суғдийларнинг кичик манзилгоҳларидан бири бўлган Суйаб хоқонлик пойтахтига айлангач, ривожланган⁷⁹ ва ундан кейинги туркий давлатларнинг маркази бўлишда давом этган. Хитойча *Бин-ю* ва *Цян-цюан*, арабча *Азар-хах* ва туркча *Бинг-йул* (“Минг-булок”) деб аталган⁸⁰ Мерке шаҳри ва унинг атрофидаги Мерке тоғида турк хоқонларининг ёзлик – “Шимолий қароргоҳи” ва кўруғи жойлашган эди⁸¹. Бу ерларда илк ўрта асрларда туркий ва суғдий аҳоли яшаган⁸². Чоч воҳасидаги *Жабғукат* (Оқ-ота) шаҳри ҳам Турк хоқонлиги билан боғлиқ ҳолда дастлаб истехком ўлароқ вужудга келган, кейин хоқонларнинг қишлоқ қароргоҳи вазифасини бажариб келган. Буни шаҳарнинг Ғарбий турк хоқонларига хос *жабғу* унвони билан “Жабғукат” деб аталгани ва у билан бир вақтда, унга ёнма-ён *Хотункат* (Тўқайтепа) шаҳрининг қурилгани ҳам тасдиқлайди. Тошкент воҳасидан топилган худди шу даврга оид турк хоқонлари бостирган тангаларда “жабғу” унвони, “хоқон” ва “хотун”нинг биргаликдаги тасвири ушбу кўшалок шаҳарлар ифодаси бўлиб, уларнинг асосида давлат бошқарувида хоқон билан бирга хотуннинг қатнашиши удуми ётади⁸³.

Учинчи боб **“Хоқонликнинг «давлат улус»лари ва вассал ҳукмдорликларида шаҳарлар”** деб номланиб, *“Шарқий ва Ғарбий хоқонликнинг «давлат улус»ларида шаҳарлар”* номли биринчи параграфида Мўғулистон ва Еттисувдаги шаҳар ва манзилгоҳларга тўхталинган. Хусусан, туркларгача ҳам, улардан кейин ҳам Шарқий хоқонликда шаҳарлар бўлганига, иқтисодиёт юқори даражада тараққий этганига қарамай, ҳозирча туркларнинг ўтроқ манзилгоҳлари тўғрисидаги барча маълумотлар кўпроқ ёзма манбаларга таянилган⁸⁴. Бунинг сабабини олимлар Марказий Осиёнинг археологик жиҳатдан яхши ўрганилмагани⁸⁵, Ўрта Осиё воҳаларининг хоқонлик таркибига киритилиши кўчманчи туркларнинг ўтроқлашувига тўсқинлик қилгани, турк зодагонларининг ўтроқ турмуш ва шаҳарларда яшашга бўлган ўзига хос қарашлари каби омиллар билан боғлашган⁸⁶. Аслида Мўғулистон ерларида Турк хоқонлиги даврига оид шаҳар харобалари топилган, бироқ улар ҳалигача етарли асосланмаган. Хусусан,

⁷⁸ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... Т. 2. – С. 286-287, 295-296; История ат-Табари. Избранные отрывки / Пер. с араб. В.И. Беляева. Доп. к пер. О.Г. Большакова и А.Б. Халидова. – Т., 1987. – С. 185, 243; Uray G. The Old Tibetan sources on the history of Central Asia // Prolegomena to the Sources on the history of Pre-Islamic Central Asia. – Budapest, 1979. – P. 299-300.

⁷⁹ Суяб. Ак-Бешим... – С. 16; Кызласов Л.Р. Городская цивилизация... – С. 219-346.

⁸⁰ Beal S. Si-Yu-Ki... – P. 27-28; Лурье П.Б. Заметки о раннеисламском дорожнике в Китай // Материалы и исследования по археологии Кыргызстана. – Вып. 1. – Бишкек, 2005. – С. 82.

⁸¹ Западный Тюркский каганат. Атлас... – С. 456.

⁸² Досымбаева А. М. Мерке – сакральная земля тюрков Жетысу. – Тараз, 2002.

⁸³ Хатамова М.М. Турк хоқонларининг Чочдаги қароргоҳлари: Жабғукат ва Хотункат // O‘zbekiston tarixi. – 2009. – № 2. – Б. 3-13.

⁸⁴ Данилов С.В. Древние и средневековые города... – С. 243.

⁸⁵ Киселев С.В. Древние города Монголии... – С. 93.

⁸⁶ Плетьнева С.А. Кочевники средневековья...–С. 69; Данилов С.В. Древние и средневековые города...–С. 240.

Мўғулистоннинг ўзида Турк ва Уйғур хоқонликлари даврига оид 14 та шаҳар харобаси қайд этилиб, улардан VII – VIII асрларга оид Эцзин-гол этакларидаги *Тун-чэн* кўрғони Хар-хот шаҳрининг эски қисми эканлиги аниқланган⁸⁷. Уйғур хоқонлиги даврига тегишли Қораболғасун, Бажин-Аллак, Шагонар каби шаҳар харобалари ҳам турклар давриданок бўлганлиги тасдиқланган⁸⁸.

Умуман, турклар мудофаа иншоотларини куриш билан яхши таниш бўлишган. Кўрғонларга хос тошдевор ва хандақлар билан ўралган, тўғрибурчак шаклдаги турк хоқонларининг қабртошлари, турк, хитой ва суғдий меъморий анъаналарини ўзида уйғунлаштирган Билга хоқон ва Кул тегин ёдгорликлари кабилар бунинг мисолидир⁸⁹. Шунингдек, хоқонлар Ички Осиё ҳудудларида ўтроқ манзилгоҳлар куришга суғдийларни ҳам жалб этишган кўринади⁹⁰. Бу каби маълумотлар Шарқий хоқонликда кўрғон, манзилгоҳ ва шаҳарлар бўлганлиги ҳақида илгари сурилган хулосаларнинг⁹¹ тўғрилигини тасдиқлайди. Фақат бу кўрғон ва шаҳарларнинг айнан қаерда жойлашганлигини аниқлаш келгусидаги археологик қазишмаларга боғлиқ. Масалан, биргина немис-мўғулларнинг кўшма археологик экспедицияси Ўрхун водийсида узоқ даврлар давомида протошаҳар ва шаҳар манзилгоҳлари бўлгани тўғрисида янги ва аниқ тасаввурлар бера олган⁹². Кўпгина шаҳар харобаларида узоқ вертикал тарих ётган бўлиши мумкин, тўғрироғи, бир даврдаги аҳоли яшашига яроқли бўлган ҳудудлар афтидан ўз аҳамиятини кейинги даврларда ҳам сақлаб қолган кўринади. Бироқ кишилар яшайдиган ҳудудларнинг узлуксизлиги ёки улардан “қайта фойдаланиш” далили ҳам доимо бир хил эмас ва бунда қарама-қарши воқеликлар ҳам учрайди⁹³.

“Давлат улуси” (марказий ҳудуди) Еттисув, Юлдуз водийси, Жунғория текислигини ўз ичига олган Фарбий хоқонлик⁹⁴ Мўғулистондаги Шарқий хоқонликдан тубдан фарқ қилиб, у ерда аҳолининг кўп қисми деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланиб, шаҳарларда яшаган. Ет-тисувдаги шаҳарларга Суғднинг таъсири масаласи мунозаралигича қолмоқ-

⁸⁷ Майдар Д. Архитектура и градостроительство в Монголии. Очерки по истории. – М., 1971. – С. 122, 125, 227-228, прилож. 2.

⁸⁸ Письмо Д.А. Клеменца на имя академика В.В. Радлова // Сборник трудов Орхонской экспедиции. – Вып. 1. – СПб., 1892. – С. 20-22; Тихонов Д.И. Уйгурский каганат // Материалы по истории и культуре уйгурского народа. – А-А., 1978. – С. 52-53; Худяков Ю.С. Древние и средневековые фортификационные сооружения... – С. 64.

⁸⁹ Войтов В.Е. Культурно-поминальные сооружения VI – VIII вв. на территории Монголии.: Автореф. ... дисс. канд. ист. наук. – М., 1989. – С. 21-23; Худяков Ю.С. Древние и средневековые фортификационные сооружения... – С. 64; Данилов С.В. Древние и средневековые города... – С. 243; Hayashi T. Mongolia, Central Asia and Northern China in the 6th – 8th Centuries // From Ötüken to İstanbul, 1290 Years of Turkish (720–2010). 3th–5th December 2010, İstanbul. Papers / Ed. by M. Ölmez. – İstanbul, 2011. – P. 368.

⁹⁰ Археология СССР: Степи Евразии в эпоху средневековья. – М., 1981. – С. 30.

⁹¹ Киселев С.В. Древние города Монголии... – С. 93; Кызласов Л.Р. История Тувы в средние века... – С. 46-47; Кызласов Л.Р. Городская цивилизация тюркоязычных народов Южной Сибири... – С. 400; Кляшторный С.Г. Древние города Монголии... – С. 64-65.

⁹² Bemann J. Im Zentrum der Steppenreiche // Archäologie in Deutschland. – 2010. – №3. – P. 14-18.

⁹³ Waugh D.C. Nomads and Settlement... – P. 112.

⁹⁴ Бобоёров Ғ.Б. Фарбий Турк хоқонлигининг давлат тузуми... – Б. 227-228.

да⁹⁵. Хоқонлик даврида тижорат йўлларини назорат қилиш учун Талас, Чу ва Или водийси бўйлаб асос солган суғдий манзилгоҳлари бора-бора туркий шаҳарларга айланган⁹⁶. Еттисувнинг айрим шаҳар харобаларидаги маданий қатламлар VI – VIII асрлардан бошланганлиги уларнинг пайдо бўлишини Ғарбий хоқонликнинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлаш имконини бермоқда⁹⁷. Хусусан, Еттисув шаҳарларининг шаклланишида чорвадор империя ҳукмдорларининг қароргоҳлари айнан шу ерда жойлашгани омили ҳам муҳим бўлган⁹⁸. Турк ва тургаш хоқонларининг Суйаб, Мерке, Навакет каби бошқарув марказлари худди шу ерда эди. Шунингдек, VI – VIII асрларда Сирдарё бўйлари, Чу, Талас ва Еттисув ҳудудларида шаҳарлар чорвадорларнинг ўтроқлашуви эвазига ўсган ва улар антик давр шаҳарларидан “узун деворлари”, шаҳарлар жойлашувининг жуда зичлиги каби хусусиятлари билан фарқланган⁹⁹. Шундай қилиб, Еттисувда усунлар даврида аҳоли манзилгоҳлари кам бўлган бўлса, Турк хоқонлиги даврига келиб уларнинг сони анча кўпаяди. Яъни Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларидан то Еттисувгача чўзилган ерларда ўнлаб катта-кичик турк-суғд шаҳарлари қад кўтаради¹⁰⁰. Еттисувда туркий ва суғдий этнослар жадал симбиозга киришганидан 570–780 йиллар “суғд-турк даври” деб белгиланган¹⁰¹.

Бобнинг “*Ғарбий Турк хоқонлигининг вассал ҳукмдорликларида шаҳарлар*” номли иккинчи параграфида Еттисувга яқин бўлган, тўғридан-тўғри Ашина хонадони вакиллари томонидан бошқарилган ҳамда хоқонлар ўз тангаларини зарб эттирган Чоч ва Фарғона ҳукмдорликлари мисолида Турк хоқонлиги бошқаруви остида воҳа шаҳарларининг аҳволи ёритилган.

Хоқонлик вассал ҳукмдорликларидан бўлган Чочни Истеми ябғу-хоқондан бошлаб то арабларгача туркий сулола – Чоч тегинлари (605/607–750) ва улар устидан назоратга қўйилган Чоч тудунлари (640(?)–750) бошқарган¹⁰². Ёзма манбаларда “Чоч шаҳри” деб тилга олинган Қанқа шаҳар харобаси Чоч тегинларининг, Тункат (Имлоқ ёки Суйирлитеп) ва Тарбанд (Ўтрор) шаҳарлари эса Чоч тудунларининг марказлари бўлган¹⁰³. Чочда туркий ва суғдий унвонлардан ясалган шаҳар номларининг кўплиги уларга савдогарлар ва зодагонларнинг атайлаб асос солишгани билан боғланган¹⁰⁴. Суғдийлар таъсирида шаклланган тўғрибурчак ва квадрат тузилишдаги

⁹⁵ Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья // Сочинения: в 9 т. Т. II. Ч. 1. – М., 1963. – С. 32-33; Бернштам А.Н. Труды Семиреченской археологической экспедиции «Поселение Чуйской долины». – Фрунзе, 1950. – С.145-147; Кожемяко П.Н. Раннесредневековые города и поселения Чуйской долины. – Фрунзе, 1959. – С. 167-168; Кляшторный С.Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по истории Средней Азии. – М., 1964. – С. 133-135; Горячева В.Д. Городская культура Тюркских каганатов... – С. 34.

⁹⁶ Кляшторный С.Г. История Центральной Азии... – С. 181.

⁹⁷ Западный Тюркский каганат. Атлас... – С. 440.

⁹⁸ Байпаков К.М., Шарденова З.М., Перегудова С.Я. Раннесредневековая архитектура... – С. 26.

⁹⁹ Кожемяко П.Н. Раннесредневековые города и поселения... – С. 175; Суйаб. Ак-Бешим... – С. 171.

¹⁰⁰ Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия... – С. 194; Лубо-Лусниченко Е.И. Сведения китайских письменных источников о Суябе... – С. 115-116; Кызласов Л.Р. Городская цивилизация Средней и Северной Азии... – С. 219-350.

¹⁰¹ Бернштам А.Н. Согдийская колонизация Семиречья... – С. 34-42; Ўша муаллиф. Среднеазиатская древность и ее изучение за 30 лет... – С. 91.

¹⁰² Бабаяров Г.Б. Древнетюркские монеты Чачского оазиса... – С. 40-50, 85.

¹⁰³ Хатамова М.М. Ўзбекистон шаҳарлари VI – VIII асрларда (Чоч воҳаси мисолида). – Т., 2017. – Б. 132-178.

¹⁰⁴ Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ... – С. 105, 208.

шаҳарлар кўпроқ воҳанинг Сирдарёга яқин ғарбий қисмида тўпланган эди. Шаҳарларнинг асосий гуруҳи нотўғри режавий тузилишга эга ва цитаделининг айлана ёки овалсимон шакли билан ҳам ажралиб турган. Бундай тузилишдаги манзилгоҳлар деҳқончилик-чорвачилик хўжалигига эга ярим кўчманчи турмуш кечирган аҳоли билан узвий боғлиқ бирмунча эскироқ манзилгоҳлардан ривожланганлиги эҳтимоли бор¹⁰⁵. Илк ўрта асрларда Чочда суғдий топонимлар билан бирга *Соблиқ (Сойлиқ), Абрлиғ, Намудлиғ, Некалиқ (Йақалиқ), Олмалиқ, Отлиқ (Итлиқ)* каби туркий шаҳар номлари ҳам пайдо бўлган. Бу даврда турклар биргина қишлоқларга эмас, балки Чоч шаҳарлари ичигача кириб борганини Қуйруқтўба (Кадар) шаҳар харобаси залидаги “Унаштирув сахнаси” деб номланган тасвирдаги қаҳрамонларнинг туркий қиёфадалиги, Чоч тангалари, ҳайкалча, муҳр ва бошқа ашёлардаги тасвирларда ҳам туркларга хос кўриниш, эски турк-рун ёзувли сопол буюмлари кўрсатади¹⁰⁶. Хуллас, туркий сулолалар бошқаруви остида Чочда, яъни бугунги Тошкент воҳаси ва Жанубий Қозоғистонда урбанизация кичик шаҳарлар эвазига ўзининг энг юқори чўққисига чиққанлиги эътироф этилади¹⁰⁷.

Илк ўрта асрларда Фарғонада ҳам Ашина хонадони вакиллари сулоласи (чамаси 630–750) ташкил топади¹⁰⁸. Шу билан бирга, маҳаллий сулола ҳам сақланиб қолган ҳамда Тутуқлик бошқаруви ҳам йўлга қўйилган эди¹⁰⁹. Фарғонани маҳаллий ҳукмдорлар *Ахсикат* (хит. *Си-цзян*)дан, туркий сулола вакиллари эса *Косон* (хит. *Кэ-сай*)дан ва Турк хоқонлиги вассалигидаги ҳукмдор *тутуқ* назорати остида *Қува* (хит. *Хоу-мэн*)дан туриб бошқаришган¹¹⁰. Хусусан, Қува шаҳар харобасидан чиққан турк-рун ва суғдий ёзувли мис тангалар Фарғонада хоқонлар ўз тангаларини зарб эттиришганини кўрсатади¹¹¹. Ўзбекистондан топилган турк-рун ёзувли буюм ва ёдгорликларнинг деярли барчаси Фарғона водийсига тўғри келади¹¹². Водийдан турклар билан боғлиқ кўмиш маросими излари аниқланган, туркларнинг тош ҳайкаллари ва балбаллар топилган¹¹³. Хитой йилномасига кўра, Фарғонада илк ўрта асрларда 6 та катта ва 100 тача кичик шаҳарлар бўлган¹¹⁴. Фарғонадаги археологик қазилмалар ўтказилган шаҳарларнинг барчаси илк ўрта асрлардан анча олдин пайдо бўлган ва V – VIII асрларга

¹⁰⁵ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры... – С. 113.

¹⁰⁶ Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюркешский каганаты... – С. 62-63; Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар (Илк ўрта асрлар). – Т., 2010. – Б. 73, 135.

¹⁰⁷ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры... – С. 140, 168; Байпаков К.М. Средневековая городская культура... – С. 41.

¹⁰⁸ Babayar G. Fergane bölgesinde bulunan Türk-Runik yazılı Köktürk sikkeleri üzerine // Dünden Bugüne İpek Yolu: Beklentiler ve Gerçekler. – İstanbul, 2008. – S. 140.

¹⁰⁹ Согдийские документы с горы Муг... – С. 80-85; Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981. – С. 58.

¹¹⁰ Анорбоев А. Касан – город-ставка, лагерь-крепость // Фарғона қадим ва ўрта асрларда. – Самарқанд, 1994. – С. 22-25; Stark S. Die Alttürken zeit in Mittel- und Zentralasien. – Wiesbaden, 2008. – P.222.

¹¹¹ Бобоёров Ф.Б. Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув тизимида доир // Sharqshunoslik. – 2008. – №13. – Б. 11.

¹¹² Раҳмонов Н., Матбобоев Б. Ўзбекистоннинг кўхна туркий-рун ёзувлари. – Т., 2006. – Б. 16-44.

¹¹³ Матбабаев Б.Х., Иванов Г.П. Находки погребений с трупосожжением и конем в Фергане // ОНУ. – 1997. – №5. – С. 72-75.

¹¹⁴ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах... Т. 2. – С. 319.

келиб эса улар муҳим савдо-иқтисодий ва маданий марказларга айланишган. Хусусан, Мунчоктепа, Баландтепа каби ёдгорликлар Ўрта Осиё иккидарё оралиғида яшаб келган ёки маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган турклар таъсирида пайдо бўлган ёдгорликлардир¹¹⁵. Хуллас, кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўртасидаги ўзига хос контакт зона бўлган Фарғонада эски туркларнинг роли ва таъсири сезиларли бўлган. Турк хоқонлари Еттисувнинг ғарби, Фарғона ва Тошкент воҳасига таяниб, Амударё – Сирдарё оралиғидаги деҳқончилик воҳаларини назорат қилишган. Фарғонада Ашина сулоласи вакиллари ҳокимияти ўрнатилгач, туркий халқларнинг водий шаҳарларига келиб ўрнашиши ва ўтроқлашуви янада жадаллашади, кичик шаҳарлар сони кўпаяди, айрим манзилгоҳлар йириклашиб, бирор-бир товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

ХУЛОСА

1. Эски турклар “шаҳар” тушунчаси остида ўз тилларидаги *baliq* – “атрофи тупроқ девор билан ўралган шаҳар”ни тушунишган. Битиктошларда *Тўғу-балиқ*, *Шандун-балиқ*, *Беш-балиқ* тарзида ва тибетча манбада *paleg* (*baliq*) шаклида учраши унинг хоқонлик даврида “шаҳар”ни англатувчи ўзгармас тушунча бўлганини ҳамда турклар ўз шаҳарларидан бошқа ҳар қандай шаҳарга ҳам *baliq* атамасини қўллашганини кўрсатади. Эски турк тилида *baliq*, *kerman*, *tura*, *toy/ton*, *qoriyan*, *ulus* каби “шаҳар”, “манзилгоҳ”, “қишлоқ”, “қўрғон” маъноларини билдирган соф туркий атамаларнинг борлиги эски турклар ўз шаҳарларига эга бўлишганини кўрсатувчи энг ишончли далиллардан биридир. Ушбу атамаларнинг кўпчилиги “лой, тупроқ” билан боғлиқлиги туркий халқларда эскидан доимий (стационар) ва кўчма (мобил) манзилгоҳлар бўлганини билдиради.

2. Ҳокимият рамзларини ўзида жамлаган “Олтин Ўрду” доимий бош пойтахт шаҳар яқинида жойлашган ва мавқеи ундан анча юқори тургани, хоқонлар ёзни – *сйи*да, қишни – *qoriyan*да ўтказишгани Турк хоқонлиги ва умуман дашт шаҳарларининг ўзига хос хусусиятларидан саналади. Турк хоқонлигидаги “ўрду”, “ёзлик” ва “қишлик” қароргоҳлар, “хотун шаҳар”лари каби шаҳарчилик анъаналари Марказий Осиё этнослари, хусусан, хунларга бориб тақалади. Турклар уларни янада ривожлантириб, бойитиб, ўзларидан кейинги бошқа туркий давлатлар – ғарбда хазарлар, шарқда – уйғурларга мерос қилиб қолдиришган.

3. Эски турклар “ўрду” тушунчаси остида бош хоқоннинг турар-жойи, қароргоҳи, саройи ва том маънода пойтахтни тушунишган. Чунки манбаларда Суйаб шаҳри Ғарбий туркларнинг пойтахти деб кўрсатилса-да, аслида хоқонлик пойтахти деб шаҳар яқинидаги хоқон яшаган “Олтин Ўрду” кўзда тутилган. Турк хоқонлигида ўрдулар ўз мақоми ва вазифасига кўра бир-биридан фарқланган 1) “Олтин Ўрду” ёки “Улуғ Олтин Ўрду”, 2) “Шимолий” ва “Жанубий” ўрдулар ҳамда 3) Сафар ўрдуларига бўлинган. Хоқонлар ўз ўрдуси атрофини деворлар билан ўраб мустаҳкамлашгач ёки

¹¹⁵ Матбобоев Б.Х. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V – VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида): Тарих фан. ... док. дисс. – Самарқанд, 2009. – Б. 273-274.

доимий пойтахт шаҳарга ўтиб яшашгач, “кўчма” ўрду-қароргоҳлар доимий шаҳарларга – *Ўрду-балиқ* (“Ўрду шаҳар” ёки “Пойтахт шаҳар”)га айланган. Аслида доимий пойтахт шаҳар яқинида “Олтин Ўрду” жойлашгани учун, худди уйғурларда бўлганидек, пойтахт *Ўрду-балиқ* деб аталган ва бунда *ordu*-қароргоҳнинг *baliq*-шаҳарга трансформациялашгани кузатилади.

4. Хоқон хотинлари ва хоқонларга узатилган хитойлик маликалар алоҳида қароргоҳлар – ўрду ва шаҳарларда яшашган. Ушбу қароргоҳлар ҳам ўз мақомига кўра 1) *Хотун-ўрду* (чодир-ўтоғларидан иборат ўзига хос кўчма “шаҳар”), 2) *Хотун-балиқ* ёки *Хотун-кат* (хоқон қароргоҳи ёки пойтахти яқинида қад кўтарган “Улуғ хотун”нинг стационар шаҳри) ва 3) *Куй* (турк хоқонларига узатилган хитойлик маликаларнинг манзилгоҳлари) шаклида бир-биридан фарқланган. Бошқа жойда кузатилмайдиган хоқон ва хотуннинг ёнма-ён, лекин алоҳида шаҳарларда яшаганликлари удуми Чочдаги Жабғукат ва Хотункат мисолида яққол кўринади. Бу ҳам Ўрта Осиё ва унга туташ ҳудудларга Ашина турклари олиб келган шаҳар маданиятидаги ўзгаришларнинг бир хусусиятидир.

5. Турк хоқонлигида янги шаҳарларнинг юзага келиши ва такомиллашишида давлатчилик ва марказлашган ҳокимият бош омиллардан бири бўлган. Бошқарувдаги ислоҳатлар, халқаро тижоратнинг йўлга қўйилиши, ўз тангаларини зарб эттиришлари ва турк-суғд симбиозининг янада жадаллашуви хоқонларнинг ана шу мақсадли сиёсатини ўзида ифодалар эди. Қўлга киритилган улкан ҳудудларнинг кўпчилигида турклар бошқарувининг ўрнатилиши туркий қабила ва халқларнинг янги ерларга кўчиши, ўтроқлашувига олиб келди, натижада у ерларда янги шаҳар ва манзилгоҳлар пайдо бўлади.

6. Турк хоқонлигининг ўрдулари ва пойтахт шаҳарлари аниқланди ва улар қуйидагича таснифланди: 1) Бош ёки марказий стационар пойтахтлар ва улар яқинидаги “Олтин Ўрду” ёки “Улуғ Олтин Ўрду” деб аталувчи олий ўрдулар. Ўзининг доимийлиги ва яқинида “Олтин Ўрду” жойлашганлиги билан бошқа қароргоҳ ва шаҳарлардан ажралиб турган ушбу марказлар Шарқий хоқонликда Ўтукан водийси, Ўрхун дарёси бўйида жойлашган пойтахт шаҳар – Ўрду-балиқ ва унинг яқинидаги “Олтин Ўрду” бўлса, Ғарбий хоқонликда олдин Юлдуз водийсидаги Эк-тоғ, кейин Суйаб шаҳри ва яқинидаги “Олтин Ўрду” эди; 2) “Шимолий ўрду” ва “Жанубий ўрду” номли мавсумий қароргоҳлар – Шарқий хоқонликда Қорақум-балиқ ва Амғи-қўрғон қишлоқ, Ғарбий хоқонликда Бинг-йул ёзлик, Жабғукат қишлоқ қароргоҳ бўлган; 3) Бундан бошқа хитой императорлари томонидан хоқонлар учун қурилган ёки совға қилинган Да-ли-чэн ва Дин-сян-чэн каби қароргоҳ шаҳарлар ҳам бўлган.

7. Шарқий хоқонликнинг “давлат улус”и – Ўрхун водийсида узоқ даврлар давомида протошаҳар манзилгоҳлар ва шаҳарлар бўлганини археологик қазинмалар ҳам, ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Уйғур хоқонлигига оид бир қанча шаҳар харобалари (Қораболғасун, Бажин-Аллак, Шагонар каби) Турк хоқонлиги давриданок бўлган. Саян-Олтой ва Хангай тоғли ҳудудларида Турк хоқонлиги даврида комплекс хўжалик, айниқса, чорвачи-

лик ва металлургия ишлаб чиқариши ёйилган эди. Шунингдек, табиий шароитнинг қулай эмаслигига қарамай, Мўғулистон ерларида хунлардан бошлаб аҳоли деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб келган. Шарқий Турк хоқонлигидаги асосий аҳоли манзилгоҳ турларига чегара ҳудудларидаги ҳарбий кўрғонлар, тижорат манзилгоҳлари, дарё бўйларидаги деҳқончилик манзилгоҳлари ва ҳукмдорларнинг пойтахт қароргоҳларини киритиш мумкин.

8. Ғарбий хоқонликнинг “давлат улуси” бўлмиш Еттисув турк хоқонларининг бошқарув марказларига айлангач, у ердаги усунлар ва суғдийлар асос солган илк манзилгоҳлар янада ривожланиб, туркий шаҳарларга айлана борган, чорвадор туркийларнинг ўтроқлашуви эвазига эса янги шаҳарлар пайдо бўлган. Жумладан, Сирдарёнинг ўрта ҳавзаларидан то Еттисувгача бўлган ҳудудларда шаҳар ва манзилгоҳларнинг катта бир қисми хоқонликкача ҳам йирик аҳоли масканлари ўлароқ мавжуд бўлган бўлса, қолган кўпчилиги Турк хоқонлиги даврида юзага келган. Қадимдан аҳолисини асосан туркийлар ва суғдийлар ташкил этган ушбу шаҳарлардаги мавжуд туркий этник қатлам Еттисув ва Ўрта Осиё иккидарё оралиғига Ашина қабиласи билан бирга кириб келган туркийлар эвазига янада қалинлашган.

9. Ғарбий хоқонлик бошқаруви остида Чоч ва Фарғона ҳукмдорликлари шаҳарларининг янада ривожлангани кузатилади. Хусусан, бу ривожланиш хоқонлар фаолияти билан боғлиқ халқаро тижорат йўлининг шимолий тармоғи фаоллашгани, чорвадор туркий қабилаларнинг ўтроқлашув жараёни жадаллашгани, тоғ-кон ишлаб чиқаришининг ривожлангани, воҳаларда туркий сулолаларнинг ташкил топиши билан шаҳар ва қишлоқларда туркий аҳоли қатламининг кўпайгани каби омиллар туфайли юз берганлиги кўрсатиб берилган. Бутун Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳа шаҳарларида туркий ёки туркий-суғдий топонимлар, сарой деворий расмлари, турк-рун ёзувлари, сопол, заргарлик, қурол-аслаҳа буюмларида туркийларнинг излари кўзга ташланадики, бу ҳол тўғридан-тўғри эски турклар бошқаруви ва уларнинг ўтроқлашуви билан боғлиқ эди.

Тадқиқот юзасидан қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

1. “Улуғ хоқон”лардан ташқари “Кичик хоқон”ларнинг, воҳа ҳукмдорликлари бошқарувига бириктирилган шахзодаларнинг ўрду-қароргоҳлари ҳамда хоқонлик қўли остидаги қабилаларнинг марказ шаҳарларини алоҳида ўрганиш керак.

2. Шарқий хоқонликнинг ўрду-қароргоҳлари ва пойтахт шаҳарларининг ўрни ва кўриниши масаласини ёритиш учун янги археологик қазишмаларни ўтказиш ва уларни ёзма манбалар билан қиёслаб ўрганиш талаб этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017. Tar.44.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ
ИМЕНИ АБУ РАЙХАНА БЕРУНИ АКАДЕМИИ НАУК
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ИНСТИТУТ ИСТОРИИ

ХАТАМОВА МУНИРА МАТКАЮМОВНА

**ГОРОДА ТЮРКСКОГО КАГАНАТА
(VI – VIII века)**

07.00.03 – Всемирная история

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/Tar.129.

Диссертация выполнена в Институте истории Академии Наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещён на веб-странице Научного совета (www.beruni1@uznet.net) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Аскарров Ахмадали Аскаревич**
доктор исторических наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: **Ходжаев Аблат**
доктор исторических наук

Бабаяров Гайбулла Баллиевич
доктор исторических наук

Ведущая организация: Ташкентский государственный институт востоковедения

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tar.44.01. по присуждению ученых степеней доктор исторических наук (DSc) и доктор философии (PhD) при Институте востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН Республики Узбекистан по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 79. Тел.: (99871) 262-54-61, факс: (99871) 262-52-77; e-mail: beruni1@academy.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз. (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 79. Тел.: (99871) 262-54-61.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2018 года)

Б.А. Абдухалимов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

О.А. Кориев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.и.н.

Э.З. Нуриддинов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.и.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В эпоху Тюркского каганата, объединившего своим могуществом почти все скотоводческие племена и земледельческое население Евразии, происходило расширение тюркского территориального пространства в регионе Центральной Азии, в ходе которого усилилась интенсивность взаимоинтеграции и консолидации народов. Эти процессы особенно явственно прослеживаются на примере феномена «город», в котором пересеклись взаимные интересы представителей оседлой и кочевой цивилизаций. Именно процессы урбанизации и связанные с ними социальные отношения в городе, изменения городской структуры наиболее полно показывают особенности общества и его общие социально-культурные возможности.

В наши дни стабильные добрососедские взаимоотношения Узбекистана с государствами Центральной Азии и перспектива вхождения страны в Совет сотрудничества тюркоязычных государств (Тюркский Совет) подняли на качественно новую ступень взаимодействие народов, единство которых исконно проявлялось в языке, истории, религии и культуре. В частности, в 2018 году в Париже и Ташкенте состоялись международные форумы¹, направленные на сохранение и дальнейшее развитие языка, письменности и исторического культурного наследия тюркских народов, что стало наглядным свидетельством значения тюркоязычных народов в общемировой цивилизации.

Мировыми тюркологическими центрами проводились изыскания, благодаря которым удалось обрести множество научных достижений в изучении истории и культуры тюркских народов. Однако в историографии до сих пор превалирует мнение, что в создании городов Тюркского каганата участвовали не кочевники-тюрки, а такие оседлые народы, как согдийцы и китайцы, у которых появились свои города только с переходом к оседлости тюрков в эпоху Караханидов. Сторонники европоцентристской теории, лежащей в основе таких воззрений, вооружившись традиционным шаблоном типа «*тюрки живут в палатках и войлочных юртах, переходя с места на место, смотря по достатку в траве и воде*», основанном на свидетельствах китайских летописей, препятствуют проведению глубоких исследований в этом направлении. А между тем, в лексике древних тюрков существовали такие специальные термины, как *baliq, kerman, tura, toy/ton, qoriyan, uluř*, обозначающие понятия «город», «поселение». В письменных источниках упоминаются сведения о том, что среди тюрков есть племена, кочующие в поисках дождя и пастбищ, а также их оседлые соплеменники, имеющие свои города, вследствие чего они делятся на «степные» и «городские» народы. Именно к VI – VIII векам на многих территориях Центральной Азии сформировались города и поселения, что подтверждается археологическими

¹ Международный форум «Духовное возрождение и культурное наследие: тюркский язык из прошлого в будущее» состоялся 30 апреля 2018 года в штаб-квартире ЮНЕСКО в Париже; 1-международная научная конференция «Роль узбекского языка в мировой тюркологии и перспективы международного сотрудничества» проходила в Ташкенте 11-12 мая 2018 года.

материалами, и этот период в науке вполне справедливо принято считать «тюркским периодом»². Согласно топонимическим сведениям, в это время появилось много названий, указывающих на их тюркское и тюркско-согдийское происхождение.

До настоящего времени в работах, посвящённых древнетюркским городам, города не были изучены в рамках каганата как единого государства. А между тем, процессы урбанизации во все времена протекали неразрывно с государственностью. Поскольку тема городов Тюркского каганата весьма объёмна в территориальном и проблемном аспектах, в настоящем исследовании поставлена цель изучения понятия «город» у древних тюрков, возникновения и развития городов, центров административного управления Тюркского каганата, вопроса городов «государственного улуса» и некоторых вассальных владений. Таким образом, вопрос городов Тюркского каганата, малоизученный в тюркологии, а также в истории Центральной Азии и номадизма, имеет важное значение при освещении и систематизации особенностей процессов государственности и урбанизации в регионе, общего генезиса и эволюции городов региона. Также, результаты диссертации в определенной степени служат выполнению задач, обозначенных в постановлениях Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления программы развития науки и технологий Республики I. «Духовно-нравственное, культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Работы учёных мира, изучавших данную проблему, можно условно разделить на две группы: 1) специальные исследования, посвящённые городам древних тюрков и Тюркского каганата; 2) работы, посвящённые вопросу номадизма и городов у номадов.

К первой группе можно отнести работы А. фон Габэн, К. Цегледи, Т. Нагродзка-Майчжик, в которых проанализированы летние и зимние ставки – *орду* и столичные города тюркских и уйгурских каганов³. Достаточно хорошо изучены древнетюркские города такими турецкими учёными, как Т. Байкара, Э. Эсин, Б. Огел, Ф. Сумер, К. Узджан⁴. Первым из советских

² Бернштам А.Н. Среднеазиатская древность и ее изучение за 30 лет // ВДИ. – 1947. – №3. – С. 91; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Т., 1982. – С. 80-81; Литвинский Б.А, Соловьев Б.С. Средневековая культура Тохаристана. – М., 1985. – С. 48.

³ Gabain A. (von) Köktürklerin Tarihine Kısa Bir Bakış I: Stepte Yaşayan Köktürkler (682–742) // Dil ve Tarih – Coğrafya Fakültesi Dergisi. – 1944. – Cilt II. Sayı 5. – S. 685-695; Eë же. Steppe und Stadt in Leben der ältesten Türken // Der Islam. – Bd. 29. – Hft. I. – Berlin, 1950. – S. 30-62; Czegledy H. Coşay-quzi, Qara-qum, Kök-öng // AOH. – 1962. – №15. – P. 55-69; Nagrodzka-Majchrzyk T. Geneza miast u dawnych ludow tureckich (VII–XII w.). – Wrocław, 1978.

⁴ Baykara T. M. XI. Yüzyıldan evvel Türk şehri. Doktora tezi. – İstanbul, 1971; Ego же. Türk şehircilik Tarihinden: Hatun Türk şehirleri // Türk Tarihi Kurumu Belleteni. – 1980. – XLIV/175. – S. 497-510; Ego же. Kök Türk yazıtlarının Türk iskan (yerleşme) tarihindeki yeri // Türk dili araştırmaları yıllığı. Belleten, 1990. – 1994. – S. 17-29; Ego же. Türk Tarihi ve Şehir: Türklerde Yerleşik Hayat // Yeni Türkiye. – 2002. – №45. – S. 426; Esin E. Orduğ

учёных, основательно приступивших к изучению городов тюркских народов с научной точки зрения, стал Л.Р. Кызласов⁵. Учёный отмечал, что до сих пор не было выявлено никаких древнетюркских городищ и что этот вопрос нуждается в дальнейшем изучении⁶. Его сын И.Л. Кызласов изучает жилища и города тюркских народов на основе сравнительного анализа археологических и лингвистических материалов⁷.

Учёные республик Центральной Азии К.М. Байпаков, В.Д. Горячева, Ш.С. Камалиддин, А. Ходжаев, А.М. Атаходжаев, Г.Б. Бабаяров показали роль древних тюрков и тюрко-согдийского симбиоза в развитии городов⁸. Так, Ш.С. Камалиддин обосновал, что часть тюркских народов с древних времён наряду с земледелием, садоводством, ремесленничеством, обладала и культурой городской жизни, бурный расцвет которой в Средней Азии происходил именно в эпоху господства Тюркского каганата⁹. На историческом атласе Западного Тюркского каганата были обозначены ставки и столичные города, а также крупные экономические центры каганата¹⁰.

